130495

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 6 апрель, пайшанба №42 (21.805.) Сотувда эркин нархда.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

5 март куни мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги қабуллар уйида дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари ва вакиллари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва журналистлар билан учрашув бўлди. У Президент Ислом Каримовнинг тожик мухолифати билан яқинда бўлиб ўтган учрашувига бағишланди. Учрашувни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошқарди.

Тожикистон мухолифати раҳбарлари билан учрашувда учта аниқ масала: тожик мухолифати Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ муаммоларни қандай тасаввур этаётгани; можарони тинч йўл билан бартараф этиш жараёнига Ўзбекистон қўшиши мумкин бўлган ҳиссани мухолифат қандай тасаввур қилиши; Тожикистон масаласини ҳал этишда жаҳон жамоатчилиги, БМТ , ЕХҲТ ва бошқа давлатлар қандай ўрин тутиши муҳокама қилинди, деб таъкидлади вазир.

Учрашувда Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғининг хабар қилишича, Президент Ислом Каримов можаро сабабларини аниқлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этмасликни таклиф қилди, мухолифат раҳбарлари бу фикрга тўла қўшилдилар. Чунки, бу чиндан ҳам ҳар томонлама мулоҳаза қилишни талаб этадиган энг катта ва энг мураккаб масаладир.

Фикрлашув чоғида тожик мухолифати раҳбарлари улар Тожикистон ҳукумати билан музокараларнинг олдинги давраларида илгари баён қилинган таклифларни ўртага қўйдилар.

Ўзбекистон Президенти унинг назарида Тожикистонда ҳозир вужудга келган вазиятда энг оқилона ҳисобланган таклифларни ўртага қўйди. Ислом Каримовнинг фикрича, биринчидан, Тожикистон муаммосини ҳал этишда ҳарбий кучдан ва жангарилик усулларидан фойдаланишдан бутунлай воз кечиш керак; иккинчидан, барча минтақалар, барча сиёсий партиялар, шу жумладан, Ислом уйғониш партияси, Тожикистоннинг барча ижтимоий ҳаракатларидан тенг вакиллик асосида, яъни минтақалар, партиялар ва жамоат ҳаракатларидан тенг миқдордаги вакиллардан иборат конгресс тузиш лозим; учинчидан, энг муҳими — БМТ ва ЕХҲТ вакиллари иштирокида ҳукумат ва мухолифат вакилларининг навбатдаги учрашувида мазкур конгресснинг мақоми, унинг ҳуқуқлари ва ваколатлари тўғрисидаги низомни келишиб олиш керак. Равшанки, бу таклифларни амалга ошириш учун Тожикистон Республикаси ҳукумати сиёсий партиялар ва ҳаракатларга нисбатан умумий авф эълон қилиши ҳамда мухолифатнинг барча вакиллари хавфсизлигига тўла кафолат бериши керак.

Ташқи ишлар вазирининг маълум қилишича, Президент Ислом Каримов тинчликпарвар кучларнинг ҳаракатларини ва қуролли жангарилар ҳаракатларини назорат қилиб туриш учун Тожикистонда БМТ ва ЕХҲТ вакилларини кўпайтириш лозим, деган фикрни айтди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Ғуломов иштирок этди.

Ўзбекистон — Индонезия

ҲАМКОРЛИКДА МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 8-11 апрель кунлари Индонезия Республикаси Президенти Сухарто мамлакатимизга расмий ташриф буюради. Дўст давлат раҳбарининг бу сафарида икки мамлакат ўртасида олиб борилаётган яхши ҳамкорликнинг янги-янги қирралари ва истиқболлари белгилаб олинади. Ташриф арафасида махсус мухбиримиз Индонезиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан АБДУЖАЛИЛ билан суҳбатлашди.

— Жаноб элчи, қутлуғ сафар муносабати билан иқтисодий, маданий ва дўстлик алоқалари ҳақида гапириб берсангиз.

—Президент Ислом Каримовнинг 1992 йилнинг 22-23 июнь кунлари мамлакатимизга қилган сафари давлатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари учун мустаҳкам замин яратди. Бу сафар чоғида имзоланган бир қатор ҳужжатлар самараси туфайли дипломатик алоқалар ўрнатилди, иқтисодиёт ҳамда техника соҳасида ҳамкорлик бошлаб юборилди. 1995 йилнинг январида «Гаруда Индонезия» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компаниялари ўртасида имзоланган меморандум бўйича ҳаво йўллари қатновини очишга аҳдлашилди ва бу ҳужжат ҳам алоқаларимиз янада тараққий этишини кўрсатади. Ҳаво йўлларини очиш ҳақидаги шартнома жаноб Сухартонинг бу сафари чоғида иккала мамлакат ташқи ишлар вазирлари имзолаши билан яна кучга киради. Шундан кейин ўзбек компанияси «Тошкент — Жакарта» ҳаво йўлида қатновни бошлаб беради. Янги ҳаво йўли савдо ва туризм соҳаларидаги алоқаларимиз ривожида муносиб кўприк вазифасини ўтайди. Иқтисодий алоқаларимиз ҳам ўз йўлида ривож топиб бормоқда. Тошкентда «ПТ Прима Комексиндо» фирмасининг ваколатхонаси очилган. Бу компания ўзаро манфаатли асосда чой, тўқимачилик ва қадоқлаш-ўраш саноати, шунингдек, пахтани қайта ишлаш бўйича юртингизда иш олиб бормоқда. Фирма бу ишлар учун АҚШ пулида 80 миллион доллар ажратган.

Индонезиянинг яна бир фирмаси «ПТ Дани Тама Ниага Прима» компанияси ҳам Ўзбекистондан пахта сотиб олиш тўғрисида шартномани имзолади.

—Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ҳам умумий муносабатларимиз равнақида муҳим аҳамият касб этади. Шундай эмасми?

—Ўзбекистон Индонезия халқига тарих саҳифаларидан яхши таниш. Айниқса жаҳонга довруғи кетган Амир Темур, Имом Бухорий сингари тарихий шахсларни, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини индонезлар яхши билишади. Мамлакатларимиз ўртасида бир қатор умумийликлар бор. Иккала мамлакат ислом маданияти тарихи билан боғланган. Маълумки, Индонезияда қарийб 180 миллион аҳоли яшайди, уларнинг 90 фоизи мусулмонлар. Индонезияда 350 этник тил мавжуд. Миллий тил индонез тили ҳисобланади.



Биздаги қўшилмаслик ҳаракати жанубни жануб билан ҳамкорлик қилишга даъват этар экан, Индонезия ҳукумати Ўзбекистон ёшларига мамлакатимизда олий гуманитар таълим олишни таклиф этмоқда.

Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига қилган сафаримизда бу жойлардаги тарихий ёдгорликлар билан индонезларни таништириш соҳасида ҳамкорлик қилиш борасида келишиб олдик. Индонезия саёҳат агентликлари ва Бухоро ҳамда Самарқанд шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик алоқасини ўрнатиш лозимлигини ҳаёт кун тартибига киритмоқда. Ҳар йили Маккага борадиган индонезияликлардан 200 минг зиёратчи Ўзбекистондаги бу қадимий муборак шаҳарларга ҳам қадам қўйишни ният қилмоқдалар. Бунинг учун ҳаво йўллари қатнови жуда қулайдир. Маданий алоқаларимиз ни ривожлантириш мақсадида Тошкент шарқшунослик институти индонез тили бўлимини очишни мўлжалламоқда. Бундан ташқари икки мамлакат дўстлик жамиятлари ҳам бир талай хайрли ишларни амалга оширишга бел боғлашган. Спорт соҳасида эса менинг мамлакатим Ўзбекистон спортчиларини бир қатор мусобақаларда таклиф этмоқда. Бундан олдин сизнинг велосипед, гимнастика спортчиларингиз юртимизда ташкил этилган мусобақаларда қатнашдилар.

— Ўзбекистон Президентининг Индонезияга сафари чоғида имзоланган шартномалар аҳамияти ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик?

— Чиндан ҳам Президент Ислом Каримовнинг Индонезияга қилган сафари муҳим тарихий аҳамиятга эга. Ушанда имзоланган уч ҳужжат ўзаро алоқаларимизнинг жуда баркамол муқаддимасидир. Бу ҳужжатлар асосида ҳамкорлик ишларини ривожлантириш учун Индонезия бизнесменлари ва журналистларини Ўзбекистонга таклиф этяпмиз. Тошкентда биринчи бўлиб элчихона очилганлиги муҳим қадамлардан биридир. Ўзбекистон раҳбарининг Индонезияга қилган тарихий сафари муваффақиятли бўлиши билан бирга яқин келгусида талай имкониятлар очиб беради.

— Президент Сухартонинг Ўзбекистонга сафаридан қандай натижалар кутилмоқда?

— Президент Сухарто 1989 йилда бу диёрга ҳозирги даврга таққослаганда бошқа муҳит шароитида сафар қилган эди. Эндиликда эса у мутлақо янги фикр-туйғулар билан чинакам мустақил Ўзбекистон давлатига ташриф буюрмоқда. Бу сафар икки халқни янада яқинроқ ҳамкорлик қилишга чорлайдиган муҳим ҳужжатлар имзоланиши билан ҳам аҳамиятлидир. Бизнесменлар ва журналистларнинг катта гуруҳи бу зиёратга салмоқ бахш этади. Шубҳасиз, Президент Сухартонинг сафари иккала мамлакат равнақи учун ҳамкорликнинг аниқ йўлларини белгилашга хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» махсус мухбири Абдулла ПЎЛАТОВ суҳбатлашди.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Марказий банкида республика оммавий ахборот воситалари ва чет эл журналистлари иштирокида мамлакатимиз билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Уни республика Бош вазири ўринбосари, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов бошқарди.

Яқинда Жаҳон банки Директорлар кенгаши Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, пулнинг қадрсизланиш жараёнини пасайтириш, ишлаб чиқариш суръатини оширишга кўмаклашиш мақсадида 160 миллион доллар миқдорида кредит беришга қарор қилди. Анжуманда ушбу маблағдан унумли ва самарали фойдаланиш тўғрисида гап борди.

Маълумки, республика Валюта биржасида хорижий валюта савдоси ҳафтада икки марта ўтказилаётир. Ушбу тадбир мамлакатимиздаги пул-кредит муносабатларини мустаҳкамлашда ўзининг ижобий натижасини бериши таъкидланди.

Учрашувда республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Жаҳон банкининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Парвез Ҳасан, Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Иштван Цалкаи қатнашди.

(ЎзА).

Нурота қадимдан сержило қоракўли билан дунёга машҳур. Ҳозир бу юртнинг тоғли яйловларида чўпон-чўлиқларнинг иши қизигандан қизиган. Тўл олиш давом этяпти. Масалан, туманнинг «Ўзбекистон», Шароф Рашидов номли, «Нурота», «Қизилча», «Ғозғон» жамоа хўжаликларида ҳар юз бош совлиқдан 110—115 тадан қўзи олиняпти.

Айни пайтда бу ерда маҳсулотни сифатли қайта ишлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида Ўзбекистон — Греция «Омега»қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Корхонада қоракўл терисидан бош кийимлар, пўстин ва бошқа маҳсулотлар тайёрланиб, республикамиз ва ҳатто хорижий мамлакат харидорларига жўнатиляпти.

СУРАТЛАРДА: «Ғозғон» жамоа хўжалиги чорвачилик фермаси аъзоси Гулмира Обидова. 2. Қўшма корхона ишчилари Б. Рўзиев, О. Ҳасанов ва А. Наврўзов.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси А. О. Қодиров раислигида, судьялар Ж. Субхонқулов ва А. Б. Дўстбобоевлардан иборат ҳайъатда, Ўзбекистон Бош прокурорининг катта ёрдамчиси О. Р. Матхолиқов, ҳимоячилар Ш. Рашидова, М. Шамсиева, М. Тойжонова, М. Суярова, М. Бузрукова, Р. Шайхутдиноваларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фитна уюштиришда иштирок этишда айбланган бир гуруҳ шахслар устидан жиноят иши кўрилиб, ҳукм эълон қилинди.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, собиқ «Эрк» демократик партиясининг раиси Мадаминов Салай (Муҳаммад Солиҳ)нинг ташкилотчилигида, Қашқадарё вилоятида яшовчи 46 нафар ёш йигитлар танлаб олиниб, шулардан 21 тасини алдов йўли билан «бизнесменликка» ўқитиш ниқоби остида ғайриқонуний равишда Туркияга, сўнгра Чечен Республикасининг Грозний шаҳрига олиб бориб, бу йигитларни мафкуравий жиҳатдан қайта тарбиялаб, уларга яккама-якка кураш усулларини, замонавий ўтоғчар қуроллардан фойдаланиш йўлларини ва қўпорувчилик ишларини ўргатиб, сўнгра бу йигитлардан Ўзбекистон Республикасига қарши алоҳида хавфли жиноятлар содир қилишда фойдаланмоқчи бўлганлар.

Бу жиноятларни бош иштирокчилари Мурод Жўраев — 12 йил муддатга, Эркин Ашуров, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедовлар — 10 йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилинди, ушбу жиноятни бошқа қатнашчилари ҳам узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар.

***

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси Ж. У. Ғайбуллаев раислигида, судьялар Э. Йўлдошев ва К. Тоғаевдан иборат ҳайъатда Н. М. Қосимов, А. А. Ибрагимов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши кўрилиб, 1995 йил 29 март куни ҳукм эълон қилинди.

Жиноят иши материалларига қараганда, Н. М. Қосимов томонидан ташкил қилинган қуролли банда 1993 йил декабрь ойида фуқаро — Ф. Ғозиевага нисбатан, 1994 йил 4 февраль куни «ЎзДЭУэлектроникс» корхонаси дўконига нисбатан, 1994 йил 7 апрель куни фуқаро Ш. Исроиловга нисбатан бандитизм жиноятини содир қилишиб, «ЎзДЭУэлектроникс» дўконига ўз таъсир доираларини ўтказишга ҳаракат қилишади.

Ҳозирги вақтда қидирувда бўлган А. Ғозиев ва судланувчи А. Ибрагимовлар томонидан тузилган қуролли банда аъзолари ҳам жиноятчилик оламида ном қозониш ва «ЎзДЭУэлектроникс» дўконига ўз таъсир доираларини ўтказиш учун ҳаракат қилишиб, дўконга нисбатан келиб чиққан низони «разбор» қилиш учун Қосимов бошлиқ банда аъзоларини 1994 йил 12 апрель куни Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган «Дендропарк»га учрашувга чақиришади.

Икки қарама-қарши бандаларнинг 1994 йил 12 апрель куни соат 17.00 да «Дендропарк»да қуролли тўқнашуви натижасида отишма бўлиб, оқибатда 5 киши вафот қилади ва 2 киши ўқотар қуролдан жароҳатланади.

Олий суднинг ҳукмига биноан қуролли банда раҳбарлари ва фаол аъзоларидан Н. М. Қосимов, А. А. Ибрагимов, И. С. Махмутовлар Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 67-моддаси билан айбли деб топилиб, М. М. Ирматов эса жиноят кодексининг 67, 80-моддаси 1, 4, 6-бандлари билан айбли деб топилиб, фавқулодда жазо — ўлим жазосига ҳукм қилиндилар.

Қарама-қарши бандаларнинг қолган 10 кишидан иборат аъзолари ҳам Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 67-моддаси билан айбдор деб топилиб, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судландилар.

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Оқибат

ҚАҲРАМОН НОМИ БЕРИЛДИ

НАВОИЙ (мухбиримиздан). Меҳнат Қаҳрамони Х. Сулаймонов етмиш йиллик умрининг қарийб ярмини Ўртачўл, Маликчўл массивларини ўзлаштиришга бағишлади.

Чўлу биёбонларда аввал қўй-қўзи боқди. Кейин саҳрони ўзлаштиришга, қўриқ ерларга сув чиқаришга бел боғлади. Ўртачўлда унинг қўли тегмаган, қадами етмаган жой йўқ, деса бўлади. Ташкил этилган қатор хўжаликларнинг пойдеворини қўйишда ҳам отаҳонининг ҳиссаси бор. У нафақат чўпон, балки боғбон, ҳосилот, мироб, бригадир сифатида ҳам узоқ йиллар ишлади. Меҳнат Қаҳрамони бўлди.

Яқинда Қизилтепа тумани ҳокимлиги қарори билан Ўртачўлдаги «Зарбдор» жамоа хўжалиги Худоёр Сулаймонов номи билан аталадиган бўлди.

Музаффар ШАРОПОВ.

Маърифат

МУАЛЛИМЛАР ДАВРАСИДА

ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Шаҳрисабзда халқ таълими тизими бошқарувини юқори даражага кўтаришга бағишланган республика семинари ўтказилди.

Икки кун давом этган йиғилишнинг биринчи куни пойтахт ҳамда вилоятдан келган меҳмонлар шаҳарнинг тарихий обидалари, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари билан танишдилар. Республика «Йил мактаби» кўрик-танловининг ўтган йилги ғолиби Мирзо Бедил номли 13-мактаб жамоасининг иш фаолияти меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Йиғилиш қатнашчилари халқ таълими бошқарувини янада мукаммаллаштириш, соғлом авлодни камол топтириш хусусида атрофлича мулоҳаза юритдилар.

Илҳом КАРОМОВ.

Ёрдамчи хўжалик

БОҒЧА ВА МАКТАБ ОШХОНАСИГА

НҲКУС (мухбиримиздан). Қорақалпоқ диёрида корхона, идора ва бошқармаларнинг ёрдамчи хўжаликларини ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

«Қорақалпоқтранс», «Қорақалпоқйўллари», «Оролсувқурилиш» ихтисослаштирилган бирлашмаларида ва бошқа саноат, транспорт, қурилиш корхоналарида ёрдамчи хўжаликлар яхши йўлга қўйилган.

–Ўтган йили ёрдамчи хўжалигимизда 4 тоннадан кўпроқ гўшт етиштирдик,— дейди Амударё туман матлубот жамияти раиси С. Қодирбоев,— бу маҳсулотни корхона, мактаб, боғча ошхоналарига тарқатмоқдамиз. Утган йил якунига кўра хўжалигимиз 15 минг сум фойда олди. Бу йил қорамоллар сонини юз бошга, чўчқаларни 150 бошга, паррандаларни 1200 тага етказиш ниятидамиз.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ.

Ҳамкорлик

«АРТУР»НИНГ СОВҒАСИ

БУХОРО (мухбиримиздан). Қадимий шаҳардаги тарихий обидаларни таъмирлаш ишларида хорижий дўстларимиз яқиндан ёрдам беришмоқда.

ЮНЕСКО йўли билан Франциянинг «АРТУР» фирмаси шаҳардаги қадимий карвонсаройни таъмирлаб берадиган бўлди. Фирма вакиллари обидаларга қайта умр бахшида этиш билан бирга шаҳардаги 29-мактаб жамоаси билан ҳамкорлик қилишмоқда. Фирма вакили Марк Альерес мактабга 250 нусха француз тилидаги бадиий адабиёт ва дарсликлар совға қилди. Боиси, бу мактаб ўқувчилари француз тилида ўқитиляпти.

Даврон БАҲРОНОВ.

Савдо хизмати

ПЕШТАХТАЛАР ТЎЛДИРИЛМОҚДА

АНДИЖОН (мухбиримиздан). «Назармаҳрам» савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти аҳоли дастурхонини турли маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида таниқли фирмалар билан шартнома тузди.

Шартномага мувофиқ Тошкентдаги «Дэмир» фирмаси бу йил Шаҳрихонга 200 тонна шакар етказиб берадиган бўлди. Узбекистон — Покистон «Ҳабиб» қўшма корхонаси чой билан таъминлайди. Ички имкониятларни ишга солиш ва аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида Қува ун комбинати билан ҳам ҳамкорлик қилинмоқда. Корхонанинг Италия технологияси асосида тайёрланган макарон маҳсулотлари қишлоқ дўконларининг пештахталаридан тушмаяпти.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Халқаро мусобақа

АТ-ТЕРМИЗИЙНИ ЁД ЭТИБ

ТЕРМИЗ. (мухбиримиздан). Муболағасиз айтиш мумкинки, баҳор спорт мусобақаларига бой фасл. 7-9 апрель кунлари бўлиб ўтадиган миллий кураш мусобақалари ҳам шулардан бири.

Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича иккинчи турнирнинг айнан Термизда ўтказилиши бежиз эмас. Бу мусобақага халқаро турнир мақоми берилган. Унда мамлакатимизнинг 300 га яқин полвони қатори Марказий Осиё ва бошқа хорижий давлат курашчилари ҳам иштирок этишади.Таниқли полвонлардан Урол Тураев, Рустам Эргашев, Эрали Маҳмарасулов, Абдуқодир Пирматов, Даврон Қаландаровлар бош совринга асосий талабгорлардан.

Халқаро турнир ташаббускорлари — республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги. Миллий кураш мусобақасини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўриляпти. Корхона, ташкилотлар, ҳатто фуқаролар ҳам халқаро турнирга ҳомийлик қилиш истагини билдиришмоқда.

Ғолибларни ажойиб совға-ю совринлар кутаётир. Халқаро турнирнинг энг кучли полвони Президент соврини — енгил автомашина соҳиби бўлади.

Равшан ШОДИЕВ.

ХДП фаоллари ҳақида ҳикоялар

ҲИММАТИ БОРНИНГ ҲУРМАТИ БОР

Марказий Фарғона чўлларининг қоқ ўртасида, ҳали сақланиб қолган уркач-уркач барханлар бағрида, нечанеча чақиримларга чўзилган узумзорлар яшнаб етибди. Одатда узумзорлар ҳақида сўз юритсак, дарҳол Қрим ёки Кавказ боғлари, Ургут кишмишлари ёдимизга келади. Шу боисми 70-йиллар бошида барханларда винобоп узумлар етиштириш ташаббуси кимларгадир эриш туюлган эди. Ахир, бу ерлар заҳкаш, шур, ерости сувлари юзага яқин...

Бироқ фарғоналик соҳибкорлар қум устига «Рокацтели», «Баян-Ширси», «Сояки» ва бошқа нав узумларни экиб парваришлайверишди. Чўлда 500 гектарлик узумзор вужудга келди. Илгари вилоят комсомол ташкилотининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Бахтиер Турақуловни 1993 йили юртдошлари «Узумзор» жамоа хўжалигига раис этиб сайлашганида чўлдаги бир вақтлар гуллаб-яшнаган хўжалик хароб аҳволга тушиб қолган эди. Раисларнинг тез-тез узгариши, марказдан узоқлик, иқтисодий қийинчиликлар хўжаликни ҳолдан тойдирган, одамлар кўчиб кета бошлаганди. Қарангки, бир пайтлар гавжум қишлоқда бор-йўғи 100 та хонадон қолибди! 200 та уй буш етибди. Ташлаб кетилган уйларнинг синиқ деразаларидан шамол гувиллаб киради. Хазинада ҳам шамол уйнар, хўжалик давлатдан 700 минг сўм қарздор эди. Хўжалик ХДП бошланғич ташкилотида 10 тагина аъзо бор эди. Бахтиер уларни йиғди. Бошланғич партия ташкилоти котиби С. Ҳасанов партия аъзолари •сафига янги одам —раис келиб қўшилганлигини айтганда утирганлар жонланиб қолишди. Зеро, марказдан олисдаги бу ташкилот ҳиёл эътибордан четда қолган эди. Б. Турақулов ишни нимадан бошлаш ҳақида уларнинг фикр-мулоҳазаларини сўради.

— Аввало шароитни яхшилашдан бошлаш керак, — дея сўз олди ХДП аъзоси боғбон Н. Аҳмедов. — Қишлоқда табиий газ йўқ, автобуслар ондасонда келади. Ахир биздан вилоят марказигача деярли 100 чақирим, туманимиз марказига бориш учун эса яна бир туман ҳудудини босиб утиш керак...

— Йилига 2 минг тонна узум сувини етказиб, арзон-гаров нархда шаҳар корхоналарига бериб юборяпмиз. Нега узимизда мусаллас тайёрлаш мумкин эмас. Даромадни кўпайтиришнинг асосий йули-ку бу, — деди фаоллардан бири.

Шу кунги партия аъзолари йиғилишида хўжаликни ривожлантиришда бошланғич ташкилот ролини ошириш, бунинг учун эса партия аъзолари сафини кенгайтириш, уларнинг меҳнат фаолиятини, ташаббускорлигини кучайтиришга келишиб олинди. Баҳамжиҳат бошланган иш уз самараларини бера бошлади.

Россиядан мол айирбошлаш йули билан темир қувурлар, қурилиш материаллари келтирилди. Хароба уйлар қайта таъмирланди. Қишлоқ жадал тарзда газлаштирила бошланди. Бу уринда, албатта, Бахтиернинг ишбилармонлиги ҳам қўл келди. Хўжалик омборида сақланиб турган узум, олма, шафтоли ва бошқа маҳсулотлар МДҲ мамлакатларига чиқарилиб, у ердан мамлакатимиз учун зарур моллар келтирилди. Хўжалик эҳтиежидан ортгани савдога чиқарилди. Хазинага қўшимча пул тушди. Даромад амалий ишларга сарфланди. Чунончи, ердан захни қочириш учун 1 миллион сўм маблағ ишлатилди. Хўжаликдан кетиб қолган тажрибали боғбонлар қайтариб олиб келинди. Узумзорларда ишлов

яхшиланди. 2 минг тонна узум шарбатини винобоп қилиб сақлашга мулжалланган катта совуқхона қуриб битказилди. Хўжаликда вино тайёрлаш имкони туғилди. Бир йил ичида узум ҳосилдорлиги 18—20 центнерга оширилди. 1994 йилда узумзорларнинг ҳар гектаридан 2 минг 345 тонна сифатли узум етиштирилди. Жамоанинг илғор бригадаларида ҳар гектар узумзордан ўртача 66 центнерга етказиб ҳосил олинди. Бу юксак кўрсаткич, албатта.

Хўжалик иқтисодиети яхшиланган сайин одамлар чўл бағридаги узумзорларга қайта бошладилар. Қисқа муддат ичида чўл қишлоғи хонадонлари сони 300 га яқинлашиб қолди. 1994 йил «Узумзор» жамоа хўжалиги учун ютуқлар йили бўлди. Мева, узум, дон, сабзавот, чорва маҳсулотлари етказиш режалари ортиғи билан адо этилди. Даромадлар ошди. Аъзоларнинг ўртача иш ҳақи 400—500 сумга тўғри келди. Бир сўм иш ҳақи ҳисобига ўртача 2 сўм 80 тийиндан қўшимча ҳақ тўланди. Йил якунига кўра, С. Ҳайдарова, Ҳ. Авгонова, Б. Мирзаева, С. Деҳқонова каби соҳибкорлар 6—8 минг сўмдан қўшимча иш ҳақи олдилар.

— Бахтиер Турақулов фаол ХДП аъзоси сифатида партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш, унинг обрусини кутариш учун кўп иш қилмоқда, — дейди Узбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг мафкура бўлими мудири А. Пулатов. — Жамоа хўжалиги бошқаруви қишлоқдаги мактаб ўқитувчиларининг аҳволини ҳисобга олиб, уларга йил ҳақини бепул қилиб берди. Хўжаликда илгари бу ерга келган казо-казоларнинг дам олиши учун мулжалланган боғ ва меҳмонхонани мактаб ихтиерига ўтказиб юборди. Мактабни таъмирлаш учун 300 минг сумлик иш бажарилди. 280 минг сум сарфлаб мактаб биносини газлаштирди. Мактаб ўқувчилари учун дафтар, ўқув китоблари, кўргазмали қуроллар хўжалик ҳисобидан олиб бериляпти. 10 та синфдаги энг аълочи ун нафар ўқувчи учун 10 та ойлик стипендия ташкил қилинган. Мактаб ўқитувчиларига узлари яшаб турган ҳовлилар бепул ўтказиб берилди. Уларга бундан ташқари деҳқончилик қилиш учун 0,10 гектардан ер майдони ажратилди. Синф хоналарини компьютерлаштириш бошланди. Бугина эмас, раис ҳатто ўқитувчиларга ойига 1,5 минг сум қўшимча маош тўлай бошлади. Ҳозир Бувайда туманидаги ушбу 38-ўрта мактабда яратилган шарт-шароитлар пойтахт мактабларида ҳам ноёб ҳодиса. Бу Президентимиз ташаббуси билан бошланган ва Узбекистон Халқ демократик партияси фаолиятидаги асосий йўналишлардан ҳисобланган «Соғлом авлод учун» ҳаракатига қўшилган катта ҳисса. ХДП фаоллари ва хўжалик раҳбарияти бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилишганлиги меваси бу...

Яқинда Бахтиержонни кўриб қолдим. Москвадан келибди. Уша ерда испан виночилари билан музокаралар олиб борибди. Испаниянинг етакчи вино ишлаб чиқариш фирмаларидан бири чўл узуми билан қизиқиб қолган, фирма вакиллари хўжаликка келиб бу ерда дунё стандартларига тўғри келадиган даражада хушбўй винолар тайёрлаш имкони борлигига ишонч ҳосил қилишган экан. Зеро, «Узумзор» жамоа хўжалигида етиштирилган узумлар таркибидаги қанд моддаси Кавказ узумларига нисбатан 4-5 фоизга кўп экан.

— Испанлар билан чўл қишлоғининг узида вино заводи қуришни мулжаллаяпмиз, агар у битса «Узумзор» жаҳон бозорига чиқади! — дейди ишонч билан Бахтиер Турақулов.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЎРТ РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Буюк соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедицияси йўлга чиққанига бир неча кун бўлди. Маълумки, аввалги экспедицияларда Самарқанд — Қарши — Бухоро ҳамда Жанубий Қозоғистондаги Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий жойларда илмий тадқиқотлар амалга оширилган эди. Бу экспедициянинг учинчи босқичи бўлиб, бу гал Фарғона водийси, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудлари орқали ўтади. Демак, бу экспедиция тўрт мустақил мамлакат бўйлаб сафар қилади.

ИШБИЛАРМОНЛАР АНЖУМАНИ

Душанбеда Тожикистон ишбилармонлар ва тадбиркорлар конгрессининг биринчи халқаро анжумани бўлиб ўтди. Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо республикалар, Сурия, Италия, Афғонистон каби мамлакатлар ишбилармонлари ҳам иштирок этишди.

Анжуманда ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш масалалари муҳокама этилди.

Бугунги кунда Тожикистонда АҚШ, Афғонистон, Буюк Британия, Хитой, Туркия, Эрон, Покистон каби жаҳоннинг 37 мамлакати билан ҳамкорликда ташкил этилган 200 дан зиёд қўшма корхона ишлаб турибди. Анжуманда бу соҳадаги ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

МАВОЗА АСОСИДА

Жиззах вилоятида Қозоғистон Республикаси Жамбул вилоятининг вакиллик идораси очилди. У вилоят хўжаликлари ва корхоналари билан шартнома асосида ўзаро маҳсулот айирбошлаш ишларини амалга оширади. Ҳозирча хўжаликлардан асосан қанд лавлаги олиш режалаштирилган. Бундан ташқари, вакиллик бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам ўзларида мавжуд бўлган автомобиль шиналари, аккумуляторлар, пиёз, гуруч каби маҳсулотларга айирбошлаш тадбирларини ҳам ишлаб чиқмоқда.

ҚЎШМА КОРХОНА ҚУРИЛМОҚДА

Тожикистонда Словакия билан ҳамкорликда «Тожикистон — Сима» қўшма корхонаси қурилмоқда. Мазкур корхона сув тортиш ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхона қурилиши ва уни жиҳозлаш учун республика валюта жамғармасидан 2,4 миллион АҚШ доллари ажратилган.

БОШҚА ИШГА САРФЛАШГАН АЛМАТИ. Қозоғистон парламентининг собиқ аъзолари давлат маблағини сарфлашда ифрофгарчиликка йўл қўйганликларини тан олмоқдалар. Парламент маблағнинг маълум қисмини қонун чиқаришдан йироқ бўлган бошқа ишларга ҳам сарф этилганини кўплаб матбуот нашрлари, жумладан, «Караван блиц» газетаси ҳам таъкидламоқда.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ТАШКИЛОТ
ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
— турли рангдаги бўёқ ва эмалларни:
— "МТЗ —80" тракторлари учун Минскда йиғилган Д-243 двигателларини ишга тушириш (пуск) билан бирга-ликда
СОТАДИ
Телефон: (3712) 35-14-66

БИЗНЕС ПРЕСС ТАНЛОВИГА

ТЕЖАЛГАНИ — ДАРОМАДГА

Кейинги пайтда Янгиқўрғон туманидаги Охунбобоев номли ҳиссадорлик жамиятига тез-тез меҳмонлар ташриф буюрадиган бўлиб қолишди. Ахир, ўртачадан пастроқ ҳисобланган хўжаликнинг нимаси меҳмонларни ўзига жалб этмоқда? Энг аввало, хўжалик аъзоларининг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги дадил изланишлари оғизга тушди.

1993 йилда хўжаликка тажрибали мутахассис Ҳ. Мажидов раҳбар бўлиб келди. У дастлаб кадрларнинг ишчанлик фазилатларини, замон руҳини ҳис қила олиш қобилиятларини ўрганди. Футболчиларнинг моҳир устозидай ўз жамоасига тегишли ўзгартиришлар киритди. Булар ҳам ҳар хил бўлади: баъзиси фойда беради, бошқаси...

Аммо, бу сафар иккинчи ҳолат қарийб рўй бермади. Масалан, С. Исматуллаевни олайлик. У бош ҳисобчи. Оддий табелчидан чиққан. Ҳ. Мажидов давлат хўжалигини ширкатлар уюшмасига айлантириш тўғрисида таклиф айтилганда биринчилар қаторида маъқуллади. Кейинчалик эса янгиликнинг ҳақиқий жонкуярларидан бири бўлиб қолди. Республиканинг кўпгина вилоятларига бориб, мулкни давлат тасаррўфидан чиқариш тажрибасини ўрганиб келди. Уларга ҳам кўплаб фойдали таклифлар берди. Салоҳиддиннинг яқин ҳамфикрларидан бири бош иқтисодчи С. Абдуллаевдир. У ҳам ўз фаолиятини ишлаб чиқаришнинг қуйи поғонаси табелчиликдан бошлаган.

Биз Салоҳиддин ва Сайдали билан хўжаликнинг «Илмий маркази» фаолияти хусусида суҳбатлашдик. Бу ердаги компьютерлар хотирасидан икки йиллик изланишларнинг натижаларини исталган соҳа буйича бир неча лаҳзада билиб олиш мумкин. Хўжаликда жами 46 та ширкат бор. Улардан 26 таси деҳқончилик билан шуғулланади. Бошқалари эса сув, ўғит, ёнилғи, электр қуввати кабиларни етказиб беради.

— Баъзилар ширкатларни илгариги бригадаларнинг ўзи деб ўйлашлари мумкин,— сўз олади бош ҳисобчи С. Исматуллаев.— Аслида эса ундай эмас. Ширкатлар уюшма билан тегишли маҳсулотлар етиштириш юзасидан шартномалар тузадилар. Ушбу ҳужжатларда ҳар икки томоннинг мажбуриятлари, улар бажарилган ёки бажарилмаган тақдирда кўриладиган чора-тадбирлар аниқ кўрсатилади. Ширкатлар ўртасидаги «Олди-берди» чек усулида амалга оширилади. Яъни, ҳар ойнинг 25 куни ҳамма ўзи қилган харажат ва даромадини ўз ҳисобига қайд этади.

Исматулла Фармонов иккинчи деҳқончилик ширкатида ишлайди. Бултур 3 гектар ерга пиёз экди. Ҳосил мўл бўлди. Натижада мавсумда олган маоши ва қўшимча ҳақдан ташқари 74 минг сўм даромад қилди. Унга қандай эришилди?

— Энг аввало, ерга, етиштириладиган маҳсулотга ўз мулкимдай қарадим,— дейди И. Фармонов.— Чунки белгиланган топшириқдагидан ортиқча олинган пиёз менинг ихтиёримда қолади. Харажатларни камайтириш ҳам деҳқонга фойда. Сабаби — иқтисод қилингани даромадимизга қўшилади.

Ширкатларга ўтишнинг яна бир фойдали томони бор, у ҳам бўлса бошқарув ходимлари сонига боғлиқ. Демак, уларга кетадиган сарф-харажатлар кескин қисқарди. Илгари хўжаликнинг маъмурий бошқарув аппарати 106 кишидан иборат эди. Ҳозир эса бор-йўғи 21 киши ишлаяпти. Ўтган йилнинг ўзида шулар ҳисобига 1,6 миллион сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди.

Даромаднинг юқори бўлиши кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб бориш имконини яратиб бермоқда. Янги-янги ишлаб чиқариш ва маданий-маиший бинолар қад кўтармоқда. Бултурнинг ўзида 2 минг тонна сабзавот сиғадиган омбор, 100 бошга мўлжалланган молхона, саралаш ва хом ғишт цехлари қуриб битказилди. Янги маҳаллаларга 5 чақирим масофада электр узатиш тармоғи тортилди. 420 ўринли мактаб биноси бунёд этилмоқда. Қишлоқларни табиий газлаштириш лойиҳалаштириб қўйилди.

Яқинда охунбобоевликлар хусусийлаштиришнинг янги босқичига қадам қўйдилар. Хўжалик ҳиссадорлик жамияти мақомини олди. Энди боғ ва токзорлар ўз эгаларига топширилади. Бунинг учун 3390 та ўн минг сўмликдан акция чиқарилди. У хўжаликда ишлаётган ёки ишлаганларга ёхуд уларнинг фарзандларига берилади. Чунки жамоа хўжалиги тузилганда ҳар бир аъзо ўзининг от улови — қўш омочи, бошқа буюмлари билан ҳисса қўшган. Акцияларнинг эгалари якка тартибда ёки бирлашиб боғ ва токзорларни сотиб олишлари мумкин. Бу қимматбаҳо қоғозларни бошқа шахсларга сотиб ҳам даромад қилса бўлади.

— Фақат бугина эмас,— дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳ. Мажидов.— Кейинги йилдан ерларни аъзоларимизга умрбод фойдаланиш учун ижарага бера бошлаймиз. Ўзимизнинг қимматбаҳо қоғозларимизни чиқариш мўлжалларимиз бор. Меҳнат ресурсларининг ортиб бораётганини ҳисобга олиб, икки-уч юз ишчи ўринли ип-йигирув фабрикаси қуришни режалаштирмоқдамиз.

Қайтишда Янгиқўрғон туман ҳокимлигига кириб ўтдик. Бу ерда ҳам охунбобоевликларнинг ишлари ҳақида илиқ фикрлар айтишди. Туман ҳокими, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Т. Қирғизов яқин орада бошқа хўжаликларда ҳам ширкатлар уюшмаларига айлантириш кун тартибига қўйилаётганлигини маълум қилди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

Инсон ҳаётида яхши кунлар ҳам, ёмон кунлар ҳам учрайди. Яхши кунда одамлар шодлигини ўзаро баҳам кўришса, бошга бирор савдо тушганда кимдандир, қаердандир нажот кутадилар. Газетанинг шу йил 26 январь сонида «Бошимга савдо тушди» рукни остида муштарийларимизнинг хатлари босилган эди. Қуйида ана шу материалларга келган жавоблар билан танишасиз:

«ЧИҚАРИБ ЮБОРИШДИ»

«Тошкент вилоят хокимлиги «Бошимга савдо тушди» рубрикаси остидаги «Чиқариб юборишди» сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказди ва шулар маълум бўлди:

Х. Рўзиевалар оиласи Назарбек қишлоғининг «Ҳаракат» маҳалласидаги Ҳ. Олимжон кўчасида ота-онасидан қолган 7-уйда яшаб, анчадан бери шу жойда яшовчи ака-сингиллар орасида келишмовчиликлар давом этиб келган.

1994 йилнинг 16 сентябрь куни шу масалада яна келишмовчилик содир бўлиб, ака-сингиллар ўзаро жанжаллашган, оқибатда Х. Рўзиева тан жароҳати олиб 19 сентябрь куни милицияга мурожаат қилган. Бу иш бўйича суриштирув ўтказилиб, низо ака-сингиллар орасида бўлганлиги, ҳаммаси бир жойда яшаши, олинган тан жароҳати енгил бўлганлиги сабабли маҳаллада муҳокама этиш учун жўнатилган.

Маҳалла қўмитаси ушбу масалани кўриб чиқиб, томонларни яраштириб, Х. Рузиевага алоҳида яшаш учун шу ҳовлидан алоҳида уй ажратиб берилган ва барча ака-сингиллар бунга рози бўлганлар.

Ушбу оила шу кунда нотинч бўганлиги сабабли Зангиота туман ички ишлар бўлими томонидан рўйхатга олиниб, профилактика ишлари олиб борилмоқда. Т. МИРЁҚУБОВ,

Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини.»

«УЙСИЗ ҚОЛДИК»

«Марғилон шаҳар ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 1995 йил 26 январь сонида чоп этилган «Уйсиз қолдик» сарлавҳали мақолани гуруҳ ташкил этиб, жойига бориб атрофлича ўрганиб чиқди.

Марғилон шаҳар Туркистон (собиқ Ўзбекистон ССР 25 йиллиги) кўча, 1-уйда яшовчи Мамадиев Алижон оиласида 1992 йил 17 февралда ёнғин чиқиб, иморат бутунлай қуйиб кетган. Шаҳар ҳокимлиги ушбу бахтсиз ҳодисани ўрганиб чиқиб, оилага ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини белгиланган. 1992 йил 20 февраль куни бу оилага Янги Фарғона кўчасидаги 24-уйнинг 3-хонадонини вақтинча яшаб туриш учун ажратган.

Турмуш ўртоғи Мамадиева Насимахон ишлаётган «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмуриятига моддий ва маънавий ёрдам олиш учун мурожаат қилиш тавсия этилган.

Текшириш чоғида А. Мамадиев оиласининг моддий жиҳатдан қийналганлиги аниқланди. Шуни ҳисобга олиб вақтинча яшаб туриш учун берилган Янги Фарғона кўчасидаги 24-уйнинг 3-хонадонини бириктириб бериш вазифаси турар жой комиссиясига топширилди ва доимий рўйхатдан ўтказиш чоралари кўрилди. А. РЎЗИЕВ,

Марғилон шаҳар ҳокими.»

НАСИБАНГИЗ БУТУН БЎЛСИН

Қибрай туманидаги нон ишлаб чиқариш корхонаси директори Баҳодир МУҲАММАДЖОНОВ билан суҳбат

— Қадим нонвойларимизнинг нон ёпишда ўзига хос усуллари, сирлари бўлиб, жаҳон аро танилишига сабаб ўзининг шарқона миллийлиги даражасида шаклланганлигидир. Чет элдан ташриф буюрган меҳмонлар Самарқанд нонларини ҳозир ҳам кўриб ҳайратга тушадилар. Нонларимиздаги гўзал нақши-нигорлар нонвойларимизнинг нафақат нон пиширишдаги маҳоратлари, балки уларнинг юксак санъатдан хабардор эканликларини ҳам кўрсатиб турибди. Шуро даврида корхоналарнинг бир хил қолипда нон ишлаб чиқаришга мослашиши миллий нонларимизни эътибордан четда қолдирган. Мустақиллик шарофати билан бетакрор нонларимиз тури кўпайди.

— **Баҳодир ака, корхонада нон ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш борасида қандай ишлар йўлга қўйилган?**

— Бу хўжалик ҳисобидаги нон ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, Қибрай туманидаги «Салор» ҳиссадорлик жамиятига қарашлидир. Корхона 15-18 тоннадан ортиқ шаклли нон ва «тандир нон» ишлаб чиқармоқда. ИФТЛ-2 печларимиз бўлиб, улар баробар ишга тушириладиган 40 тоннага яқин шаклли нон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Корхонага ўрнатилган анжомлар нисбатан эски бўлса-да, замонавий технологияга эга кичик корхоналар билан ҳар жиҳатдан рақобатлаша олиш имкониятига эга. Бизда 120 нафар ходим ишлайди. Бундан бироз олдин ишимизда ходимлар қунимсизлиги юзага келган эди. Эндиликда қандолатчилик билим юрти, Тошкент озиқ-овқат технологияси техникуми билан шартнома тузиб, ёшларимизни ўқишга жалб этдик. Ишчи, ходимларимиз 30-35 йилдан буён ишлаб келаётган тажрибали кадрлардан иборат. 1994 йилги кўрсаткичларимиз: йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот 5259 тоннани ташкил этди. Соф даромад бир миллион сум атрофида.

— **Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сифатга эътибор берилмаслиги оқибатида кўп жойларда ифрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Бундай камчиликларнинг олдини олиш учун корхонада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Раҳбар энг аввало, маҳсулотнинг сифатли бўлишига жиддий эътибор бериши керак. Нонинг сифатсизлиги албатта, кадрлар қобилияти билан боғлиқ масала. Печка бир маромда ишлайди. Фақат уни назорат қилиб турувчи нонвойнинг тажрибасизлиги сабабли нон куйиб кетиши ёки пишмай қолиши мумкин. Қолаверса, турли навли унлардан пиширилаётган нонлар турли технологияни талаб қилади.

Шулар инобатга олиниб, тайёр маҳсулот пешма-пеш савдо тармоғига тарқатиб турилибди. Бу эса савдо пештахталарида маҳсулотнинг туриб қолишига йўл қўймайди. Цехимизда 40 тонна унга мўлжалланган идишларимиз мавжуд. Олий навли ва жайдари унлардан беш-олти хилдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, Мирзо Улуғбек ва Қибрай туманлари савдо шохобчалари, умумий овқатланиш корхоналарига тарқатилади. Бундан ташқари, биз корхонада ун маҳсулотларини қопсиз ташиш ишларига кенг шароит яратдик. Яқинда республикамизда ана шу муаммо юзасидан семинар-кенгаш бўлиб ўтганди. Ун ифрофгарчилигининг олдини олиш мақсадида эндиликда корхонага келаётган уннинг катта фоизи қопсиз олиб келинмоқда.

Ҳар ойда корхонада 200-300 килограммдан ун иқтисод қилиниб, шу кўрилган фойда ҳисобидан ходимларимизни ижтимоий ҳимоялашга ва корхона фаолиятини яхшилашга сарфланмоқда. Эндиликда хамир туришни ҳам суюлтирилган тарзда ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйдик.

— **Янги режаларингиз қандай?**

— Корхона ёнида «Иссиқ нон» дукони ишлаб турибди. Шу дуконни кенгайтириш мақсадида кичик цех қурилишини бошладик. Цех ишга туширилгач, 15-20 турдаги ҳар хил ҳажмдаги бежирим нон ва булочкалар билан савдо қилиш имконияти вужудга келади. Германиянинг «Венклер» фирмасида яратилган сунгги технология асосидаги кичик заводларни олиб келиб шу цехга ўрнатишга ҳаракат қиляпмиз. Ушбу кичик завод орқали исталган ҳажмдаги нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш мумкин.

Ҳозирги қийинчиликларни ҳисобга олиб, одамларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари борасида корхонада ҳам бир қанча ишларни амалга оширмоқдамиз. Хусусан, ходимларимизни матбуот нашрларга бепул обуна қилиш, байрамларда улар учун муносиб совғалар тайёрлаш ишлари корхонада яхши йўлга қўйилган.

Суҳбатдош: Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАТ ВА ҲАЁТ

ҚАЛБ ИЗҲОРИ

Мен 38 йил телефон алоқа тармоғида ишлаб, оддий ишчиликдан АТС бошлиғигача кўтарилдим. Бунга ҳалол меҳнатим туфайли эришдим. Иш фаолиятим даврида кўплаб шогирдлар етиштирдим. 1991 йилдан буён пенсиядаман. Тақдир тақозоси билан кейинги пайтда хасталаниб тўшакка михланиб қолдим. Давлат томонидан нафақа олиб турибман, етади, раҳмат. Менинг қалбимни бошқа нарса титратиб, кўзларимга севинч ёшларини келтирди. Туман электр алоқа тармоқлари маъмурияти ходимлари хаста бўлганимдан буён ҳолимдан хабар олиб, моддий ёрдам бериб туришибди. Ётиш учун қулай ўриндиққача келтириб беришди. Кейинги икки гал келганларида талайгина пул ҳам ташлаб кетишди. Президентимиз Фармонларини амалга ошириб, мен каби ногиронларга ғамхўрлик қилаётган меҳри дарё инсонлар, ХДП аъзолари Йўлдош Жўлиев, Акрам Абдураҳмонов, Маҳфират Адизова, ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Кубай Шодиев ва турмуш ўртоғим Моҳимойдан беҳад миннатдорман. Бундай меҳр-саховатдан бошим осмонга етди. Дардим енгиллашиб, соғайиб бораётгандай ҳис қилмоқдаман ўзимни.

Бундай олий ҳиммат, олийжаноб одамлар доимо бор бўлсин бу дунёда.

Иной МАРДОНОВ,
II гуруҳ ногирони, Навбаҳор тумани, Қалқонота қишлоғи.

ФУРСАТ ҒАНИМАТ, КЎЧАТ ЭКАЙЛИК

Биз яшаб турган жойни Боёвут разъезди, деб атайдилар. Ҳозир бу жойда 400 дан ортиқ хонадон бор, мингдан зиёд аҳоли яшайди, тегишли идоралар, эл-юрт фаоллари ва раҳбарларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли яқинда қишлоғимиздаги хонадонлар тўла газлаштириб бўлинди. Қийинчиликлар билан бўлса ҳам ичимлик сув муаммолари ҳал этилаётир. Қишлоғимизга йил сайин ҳусн кириб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда қатор савдо дуконлари, мактаблар, бошқа чиройли бинолар пайдо бўлмоқда.

Лекин ҳар қандай жой энг аввало одамлар, кейин эса дов-дарахтлар билан гўзал бўлар экан. Қишлоғимизда шундай хонадонлар борки, ёз ойларида ҳовлиларига тангадек офтоб тушмайди. Чунки уйларини боғроғ, гулзор қилиб олишган. Яна шундай уйлар қаторида шунақа ҳовлилар ҳам борки, неча йил яшаётган бўлсаларда на бирор туп кўчат, на бир туп гул ўтказадилар. Шундайларни кўрганда, беихтиёр ҳайрон қоламан. Ахир, Мирзачўл тупроғини гуллар, дарахтлар билан обод этдик-ку.

Вақт ғанимат, кўчат экайлик, боғ қилайлик. Бу ишда шу ерга жойлашган йирик ташкилотлар бош-қош бўлсалар, айни муддао бўлар эди. Чунки бу ташкилотлар ва базаларнинг пуллари ҳам, ишчи кучлари ҳам, техникаси ҳам етарли. Ташкилотлар хайрли ишни бошлаганларидан сўнг уларни суғориш, парвариш қилиш сингари муаммолар ҳақида ҳам астойдил ўйлайдиган бўлар эдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам, қиёмат келиб қолган бўлса ҳам кўчат экинг, деган эканлар. Келинглар, баҳор ойларининг ҳар дамини ғанимат билайлик. Ҳеч бўлмаганда ўз хонадонимиз, ўйларимизга бир неча тупдан дарахт ва гул кўчатларини ўтказайлик. Ахир бу ишларимизнинг савоби ҳам катта бўладику.

Каримжон ТОЖИЕВ,
Боёвут разъездида жойлашган 28-автокорхона ходими.

ХАТ ВА ҲАЁТ

ТЕХНИКАСИ БЎЛМАГАН ФЕРМЕР ФЕРМЕРМИ?

Ҳозирги шароитда фақат қўл кучига таяниб иш кўрадиган одам узоққа боролмайди. Маҳсулот ҳажмини кўпайтираман деган ният бўлса техникага суянмоқ даркор.

Лекин ҳозирги тақчиллик пайтида Русия, Белорус ва бошқа давлатлардан қудратли тракторлар ҳамда бошқа хил қишлоқ хўжалик механизмлари олиб келиш анча мушкул иш. Бултур ва бурноғи йили Пахтакор туманида ташкил этилган «Ҳарбин» ўзбек-хитой қўшма корхонаси дурустгина митти тракторлар ишлаб чиқариб, аҳолига, ташкилот ва корхоналарга сотганди. Бу тракторлар фермерларнинг барча юмушларини бажара оладиган дастёрлар эди. Ҳатто, кичикроқ плуглар тиркаб, ер ҳайдаш ишларида ҳам фойдаланса бўларди. Тиркама аравалар билан ғалла ва бошқа маҳсулотлар ташишда ҳам қулай эди. Афсуски, ўша тракторлар сўнгги пайтларда ишлаб чиқарилмай қўйди. Таклифим шуки, «Ҳарбин» қўшма корхонаси ўз ишларини қайтадан ташкил этиб, ўша тракторларни кўплаб ишлаб чиқарса. Яна бир таклифим — автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида фермерларга ҳам ёнилғи сотиш йўлга қўйилса.

Яхшибой ТОТЛИБОЕВ,
Жиззах вилояти Фориш туманидаги М. Оролов номли ижара ширкатлари бирлашмаси деҳқон фермери.

ҲОДИ ЗАРИФНИ ЭСЛАБ

Ҳар қандай бадиий ижоднинг ҳам сарчашмаси халқ оғзаки ижодидир. Ҳар бир сатрида етти камалакнинг жилоси балқиб турган ўзбек достонлари-ю маталларининг афсонавий сеҳридан сархуш тўлғонмаган қалб бормикин?

Ҳар бир кунимиз, айёмларга тўлуг бўлган ушбу ажойиб дамларда яна бир савобли тадбир ўтказилди. Атоқли олим, ўзбек фолқлоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифнинг таваллуд топган кунларига 90 йил тўлиши муносабати билан ЎзФА Тилшунослик институтида анжуман бўлиб ўтди. Ҳоди Зариф ва ўзбек фолклори масалалари мавзуидаги ушбу илмий конференция гоят кўтаринки кайфиятда ўтди. Анжуманни Алишер Навоий номидаги адабиёт институти директори, профессор Тура Мирзаев очди. Шунингдек, устоз ҳаёти ва унинг илмий фаолияти ҳақида филология фанлари докторлари Баҳодир Саримсоқов, Комил Имомов, Ғайрат Жалолов ва бошқаларнинг маърузалари конференция иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди.

О. БЕКМУРОДОВА.

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАДИМИ?

Биз яшаб турган Ғишти қишлоғи ўзининг бой тарихига эга. Ипак йўлида жойлашганлиги учун бу ерда савдо расталари, карвонсарой, масжидлар бўлган. Вақт ўтиши билан бу тарихий обидалар йўқолиб борди. Яқиняқингача — саксонинчи йилда бетон ариқлар чиқариш баҳонасида қишлоқнинг қоқ ўртасидан ўтувчи Пермаст руди йўқотилди. Шу боис ҳамма ерни шўр қоплади.

Икки минг ўқувчи ўқийдиган мактаб, дўкон, бозори бор қишлоғимиз фахрийлари ҳордиқ чиқарадиган маскан — чойхона, яқинларимизни сўнгги йўлга узатадиган — жаноза ўқиладиган масжид йўқлигидан анча азият чекдилар. Охири бир қарорга келдик: қишлоқдаги катта тепалик устида хушҳаво чойхона қурсак бўлмайдими? Ҳа, бўлади дейишди. Уруш ва меҳнат фахрийси Шоди Ражабовнинг елиб-югуриши билан Тошкентдан рухсатнома олинди. Илгари ҳам бу ерда масжид, ҳовуз бўлганлигидан кўпчилигимиз воқифмиз. Ҳамма хулосалар асосида Ғиждувон тумани собиқ ҳокими Зариф Шариповга мурожаат этдик. Лойиҳа-смета ишлари битди. 206-колхозлараро кўчма механизациялашган колонна қурилишни бошлади. Чойхона деворлари тикланди, ромлари ўрнатилди. Тепага сув кўтариб бериш учун насос ҳам қурилди. Бу иш икки йил вақтни олди. 1991 йилга келиб иш тўхтаб қолди.

Усти ёпилмай қолган чойхона биноси мана, тўрт йилдирки, қаровсиз ётибди. Қолган ишга қор ёғади деганларидек, ҳоким ўринбосари Холмурод Давлатов ҳам ваъдадан нарига ўтмаяпти. «Оқ олтин» жамоа хўжалигида йил аро раис алмаш

Маънавият қирралари

НОНДЕК МЎЪТАБАР ВА АЗИЗ

ЭЙ, ЯХШИ ОДАМ, СЕНИНГ ЙЎЛДОШИНГ КИТОБ БЎЛСИН!

КИТОБ тарихни бугун, бугунни келжак билан боғловчи восита. Нақшбанд, Боязид Бистомий, Форобий, Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий... — Булар жаҳон тарихида бир марта яралган, бошқа такрорланмайдиган китобларнинг шариф исмларидир. Фақат китоб ёзганлар эмас. Унда рақам этилган номлар, мамлакатлар, эврилишлар ҳам дунё тургунча туражак.

Жамиятнинг маданият даражаси, айтиш мумкинки, одамларнинг китобга бўлган муносабатида намоён бўлади. Шарқда ҳамма замонларда ҳам китоб эътиқод даражасида муқаддас саналган. Хонани ёритувчи чироқ сингари баландга қўйилган. Зеро, китоб ўз зиёси ила инсоният тафаккури ва кўнглини ёруғликка тўлдирди ва яна тўлдиражак.

Китобга эътибор — маънавиятга, демакки тарих, бугун ва келажакка бўлган муносабат, одамларнинг фикрат ва ҳиссиёт, олам ва жамият билан муомала алоқасига бўлган эътибор. Инглиз ёзувчиси С. Смайлс: «Китоб бизни яхши жамият сари етаклайди», — деган эди. Янги жамият қуриш сари бораётган бизга, кейинги авлодларга китоб ҳамиша маънавий мададкор бўла олади.

Афсуски, онда-сонда бўлса-да, китобни оёқ остида, айрим ножоиз жойларда кўришга тўғри келяпти. Илгари китобни босма, китобдан ҳатлама, увол бўлади, дерди ёши улуғларимиз. Китобга эҳтиром сақлардик. Ҳозир ҳам китобни эъзозлаймиз, аммо...

ФАРҒОНА

Фарғоналиклар китобсевар халқ. Зеро, вилоят аҳолисининг учдан бир қисми Маданият ишлари вазирлигига қарашли вилоятдаги 748 та кутубхонага аъзо. Хўш, 700 мингдан ортиқ ўқувчига хизмат кўрсатаётган кутубхоналарнинг бугунги аҳволи қандай?

Фарғона шаҳридаги вилоят кутубхонаси деярли юз йиллик тарихга эга. Унинг 300 мингдан ортиқ китоб фонди мавжуд. Қироатхона, махсус хоналар иситилган, ўқувчилар учун барча шароитлар муҳайё. Қува, Ўзбекистон, Риштон туманлари марказий кутубхоналари фаолияти ҳақида ҳам шундай илиқ сўзлар айтиш мумкин.

Афсуски, вилоятдаги барча шаҳарлар ва туманлар, олис қишлоқлардаги юзлаб кутубхоналар аҳволи, юмшоқ қилиб айтганда, қониқарли ҳолда эмас. Уларнинг аксарияти табиий газ билан таъминланмаган, қишқировли кунларда яхши иситилмайди. Кўплаб кутубхоналар бинолари таъмирлашга муҳтож.

Фарғона шаҳрининг Жўйдам маҳалласи кутубхонаси мудираси Уктамхон Марасулова биз борганда иш жойида экан.

— 8 минг китобимиз бор, 800 нафар китобхон қатнайди бу ерга, — дея атрофни кўрсатади у, — аҳволни эса кўриб турибсиз...

Дарҳақиқат, ушбу зиё масканини киноя билан кутубхона дейиш мумкин, холос. Хона жуда тор, нимқоронғу, иситилмайди. Деярли нураш арафасига келиб қолган. Тагзамини ҳам бетондан эмас, балки оддий тошдан терилган. Худди шу ночор кутубхона ёнида эса ҳашаматли масжид биноси қад ростламоқда... Шаҳарнинг Қирғиз маҳалласидаги Р. Солиева мудиралик қилаётган кутубхонада ҳам аҳвол юқоридагидан фарқ қилмайди.

– Раҳбарларимиз кутубхонани бошқа қулай бинога кўчиришга ваъда беришган, — деб қолди умид билан Ў. Марасулова. — Лекин қачон?..

Бувайда тумани марказий кутубхонаси яроқли бино йўқлиги туфайли еттита жойга тарқатиб юборилган. Қироатхона туман халқ таълими бўлимида жойлашган бўлса, директорнинг кабинети бошқа жойда. Китоблар учинчи бир жойдан топилади.

Айрим жойларда кутубхона биноларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга уринишаётгани таассуфлидир. Марғилон шаҳрида кимларнингдир розилиги билан 5 та кутубхона биноси бўшатирилган ва уларга масжид, дорихона ва бошқа ташкилотлар кучиб киришган.

– Бозор иқтисодиёти шароитида баъзи маданият муассасалари бирмунча қийин аҳволга тушиб қолган, — дейди вилоят маданият бошқармаси бошлиғи С. Одилов. — Аммо биз зиё масканлари фаолиятини талаб даражасига келтириш учун қўлимиздан келган барча ишларни қиляпмиз.

Кейинги икки йил ичида кўплаб қишлоқ кутубхоналарини йириклаштирдик. Натижада каталакдек тор, битта ходим ишлайдиган кутубхоналар ўрнига кенгтина 2-3 ходим меҳнат қиладиган, шароити бирмунча яхши кутубхоналар вужудга келди. Биз, айниқса, қишлоқ маданият марказлари, улардаги кутубхоналар фаолиятини жонлантиришга катта эътибор беряпмиз. Бунинг ижобий томонлари кўп. Масалан, Охунбобоев туманидаги Ғиштмон қишлоғи маданият марказидаги кутубхона ходимлари ибратли ишларни амалга оширяпти. Бу ерда тез-тез китобхонлар конференциялари, адиб, шоирлар билан учрашувлар ўтказиб турилади. Ёшларни кутубхонага жалб этиш бўйича махсус дастур асосида иш олиб борилади. Натижа эса ибратли. Таққослашга арзийдиган бир мисолни айтайин: 1993 йилнинг ўн ойига нисбатан 1994 йилнинг ўн ойида шу кутубхонадаги китобхонлар сони деярли 50 фоизга ошган. Уларнинг аксарияти ёшлар. Худди шу даврда эса Ғиштмон қишлоғида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик 41 фоизга камайган.

Вилоят маданият бошқармасида кутубхоналарни таъмирлаш, китоб фондларини бойитиш мақсадида бир гуруҳ тадбиркорлар билан келишиб олинганлигини айтишди. Ахир, халққа зиё, илм нури тарқатадиган муқаддас масканларга ёрдам бериш, ўз миллати тараққиётини ўйлайдиган ҳар бир инсон учун савобли иш-ку!

Ҳа, айрим кутубхоналар ёрдамга муҳтож. Уларни таъмирлаш борасида маълум ишлар қилиняпти. Афсуски, маданият муассасаларининг қўли қисқа. Халққа илм, маърифат тарқатиш ҳақида қайғурадиган, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, шу халқ ўғлони бўлган тадбиркорлар бу ҳақда нима дейишаркин?

БУХОРО

Тирикчилик ўз йўлига. Аммо, инсон ҳаёти ўз моҳияти жиҳатидан тугал маънода маънавият, маданиятдан иборат. Мамлакатимиз Президенти иқтисодий масала билан бирга маданий-маърифий масалаларга жиддий эътибор бериш кераклигини таъкидлаши бежиз эмас.

— Очиғини айтсак, — дейди Бухоро вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармасининг бошлиғи М. Фармонова, — кейинги йилларда кутубхоналар моддий томондан қийналиб қолди. Сабаби — молиявий танглик, қимматчиликдир. Шу боисдан ҳам кутубхоналар қуриш, таъмирлаш, янги китоблар сотиб олиш қаноатланарли бўлмади. Аммо мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, китобхонларга баҳолиқудрат хизмат кўрсатяпмиз, турли қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда.

Айтиб қўйяйлик, бугунги кунда вилоятда 2 та вилоят кутубхонаси, шаҳар ва туманларда 12 та марказий кутубхона тизими фаолият кўрсатаётир. Уларга 485 та кутубхона, 5 та мустақил ва 4 та кўзи ожизлар қироатхонаси мужассамлашган. Улардаги китоб фонди нусхаси 4579,4 мингтага етди. Вилоят марказий кутубхоналари тизимларида аҳолига энг керак бўладиган адабиётлар 4136328 нусхани ташкил этаётир. Ўтган йилда кутубхоналар фондлари янги чиқаётган нашрлар билан 56518 нусхага кўпайган. Шулардан 37775 нусхаси ўзбек тилидадир.

Бундай қараганда ишлар бирмунча яхшидай кўринсада, ўзига яраша муаммо, камчиликлар ҳам мавжуд. Вилоят марказидаги Ибн Сино кутубхонаси махсус лойиҳада қурилгани учун ҳам у ҳамиша китобхонлар — талабалар, турли касб эгалари билан гавжум. Нурхона жамоаси кунора қизиқарли тадбирлар ўтказишади. Қани энди, ҳар бир туман марказида ана шундай лойиҳа асосида қурилган кутубхона бўлса. Афсуски, вилоятдаги кутубхоналарнинг етмиш фоизи мослаштирилган биноларда жойлашган холос. Айримлари зах, нурсиз биноларки, унга китобхонлар кам келади.

Ғиждувон туманида аҳолига 54 та кутубхона хизмат кўрсатяпти. Бултур зиё масканларидан 45421 киши китоб олиб ўқиган. Бу кўпми ё камми?

— Бу вилоят миқёсида яхши кўрсаткичдир, — дейди туман маданият бўлими мудири Амрулла Абдуллаев.. — Лекин бино масаласи чатоқ. Кутубхоналаримизнинг барчаси мослаштирилган биноларда жойлашган. 12 та кутубхона қишда иситилади, холос. Кутубхоналаримизнинг 60 фоизи ёритилмайди.

Мудирнинг таъкидлашича, 12 та кутубхона дала шийпонларида жойлашгани ҳам ишга салбий таъсир этяпти. Буни Ҳамид Олимжон номидаги жамоа хўжалигининг 8-бригадаси, Абдухолиқ Ғиждувоний номидаги жамоа хўжалигининг 7-бригадасидаги дала шийпони биносидан атиги битта тор хона ажратилганидан билса бўлади. «Халқобод» жамоа хўжалигининг Оқработ қишлоғидаги кутубхона биноси нурай деб турибди. Шундай бўлса ҳам кутубхона мудираси Фазилат Эсонова юрак ҳовучлаб ишлаяпти. Туман маданият бўлими томонидан бултур 7 та кутубхона таъмирланган, холос. Қолганига имконият етмаганми?

— Албатта, — дейди А. Абдуллаев, — бу ишга етарли маблағ ажратишмайди. 1995 йилда 72 та маданият муассасасини жорий таъмирлаш учун атиги 44 минг сўм маблағ ажратилибди. Шунинг тенг ярми кутубхоналарни таъмирлашга сарфланиши керакмиш. 22 минг сўм билан зўрга 2 та кутубхонани эпақага келтириш мумкин. Битта ўтирғич ҳозир 290 — 300 сўм бўлган пайтда бизга жиҳоз олиш учун 12 минг сўм ажратилди. Аксарият кутубхоналарда стол, стул етишмайди.

Мудирнинг жон қуйдириши бежиз эмас. Ҳамма нарсани расамади билан тақсимлаш керак. Тақсимланган маблағ билан эса бир неча йиллардан буён қийшайиб турган 1-болалар кутубхонаси биносининг қиёфасини ўзгартириб бўлмайди-да!

Вобкент туманидаги кутубхоналарни кўздан кечирганимизда дилимиз ачишди. Мавжуд 44 та кутубхонанинг бирортасидан ҳам кўнгил қувонмайди. Ал Бухорий номидаги жамоа хўжалигининг «Латиф совунгар» қишлоғида 37-кутубхона борлигини бир қарашда ҳеч ким билмайди. Кўп хонали бинонинг орқа томонидан эшик очилиб, икки хонада 7300 китоб жойлаштирилган. Бино пештоқида «кутубхона» деган ёзув йўқ. Ҳаммаёқ чиқиндига, ахлатга қоришиб етибди. Янгикент қишлоғидаги кутубхона эса иситилмайди.

Бундай қусурларни Шофиркон, Бухоро, Пешқу туманларидаги нурхоналар фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Қоровулбозор туман хўжаликларида умуман кутубхона йўқлиги ҳеч кимни ташвишга солмаяпти.

— Кутубхоналаримизга кўпроқ мактаб ўқувчилари келишади, — дейди Шофиркон тумани марказий кутубхонаси кенгаши директори К. Қобилов. — Болалар кутубхоналардан ўзлари излаган адабиётни топишга интиладилар. Аммо бизда болалар адабиётидан янги китоблар кам. Вилоятдан жуда кам миқдорда китоб оламиз. Бундан ташқари, кутубхоналарни вақтли матбуотга обуна қилиш учун пул ажратилмайди.

Китоб — маънавий бойлигимиз. Китоб ўқиган кишининг ақли чархланади, ўзлигини англайди. Афсуски, вилоятда бу оддий ҳақиқатнинг тубига етиш, кутубхоналарни файзли даргоҳга айлантириш иши ҳали тўлалигича ҳал этилмаяпти.

ҚАШҚАДАРЁ

Ҳозирги кунда вилоятда кутубхоналарнинг аҳволи қандай? Биз шу саволга жавоб топиш учун вилоят маданият ишлари бошқармасининг кутубхоналар бўйича етакчи мутахассиси Қ. Турсуновга мурожаат этдик.

— Бизда 494 та кутубхона мавжуд. Шулардан ўттаси вилоят кутубхонаси ҳисобланади, — дейди у. — Улардан фақат Насафий номидаги вилоят кутубхонасигина махсус мослаштирилган бинода жойлашган. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам кутубхоналар имкон қадар ўқувчиларга хизмат кўрсатяпти. Масалан, ўтган 1994 йилда 340 — 400 минг китобхон 7 миллион 154800 нусха китобдан баҳраманд бўлдилар. Йил давомида ҳар бир китобхон ўртача 21 та китоб ўқиган.

— Кутубхонамиз 1980 йилда бунёд этилган, — дейди вилоят кутубхонаси директори Ш. Маҳматқулов. — Бинонинг энг пастки қисмида вақтли матбуот тахламлари, туркий ҳамда жаҳон адабиёти ва маданияти намояндаларининг нодир асарлари нусхалари сақланаётган хона бор.

— Муаммолар ҳақида гаплашсак

— Кўнглимдаги саволни бердингиз. Шўро тузумида «мажбурий нусха» тизими бўлар эди. Бунга асосан собиқ иттифоқ бўйича нашр этиладиган китоблар кутубхоналарга албатта тарқатиларди. Шу сабабли уша пайтда кўп китобларга эга бўлганмиз. Аммо бунинг салбий томони ҳам бор. Москва ва Ленинграддан керагу но керак уюм-уюм китоблар юбориларди. Натижада кутубхонамизда 70 фоиз рус тилидаги китоблар тўпланиб қолган. Китоб тақсимоти масаласи ҳам чатоқ. Айтайлик, мамлакатимизда 10 та нашриёт бор. Маълум бир вақтда шу нашриётлардан жами 100 та китоб нашр этилади. Лекин шу китобларнинг аксарият қисми ўз вақтида етиб келмайди. Нашриётлар илгари тематик режа асосида ишлар эди. Шу режа рисоласи барча кутубхоналарга тарқатиларди. Биз шу асосда ўзимизга қанақа адабиётлар кўпроқ керак бўлса, буюртма берардик. Бугун эса бундай имконият йўқ. Ҳозир ҳам нашриётлар иложи бўлса йил бўйи нашр этадиган асарлар мундарижасини тузиб, вақтли матбуот орқали эълон қилиб турсалар, яхши бўлурди.

— Кутубхонангизда аҳолининг доимий обуна бўладиган табақалари асосан қандай кишилар?

— Кўпроқ зиёлилар ва талабалар. Баъзан бошқа касб эгаларини ҳам учратамиз. Лекин талабаларни кутубхонага жалб этиш ишлари қониқарсиз. Аксарият талабалар ўқишни тугатиш олдида «обходной»га қол қўйдиришга келганларида кутубхонамиз билан танишишади. Бу ачинарли ҳол. Баъзан туппа-тузук одамлар ҳам кутубхона билан китоб дўконини фарқлай олмай, «бу ерда китоб сотиладими? деб сўрашади.

Вилоятдаги 500 га яқин кутубхонанинг 141 таси тўлиқ таъмирлашни талаб этади. 18 та кутубхона оғир аҳволда, шикастланган биноларда жойлашган. Бу кўпроқ Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаши, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларидаги қишлоқ кутубхоналарига хос.

Шу ўринда савол туғилади: Нега энди хўжалик ёки фуқаролар йиғини тасарруфидаги кутубхоналарга мазкур жамоалар эътибор беришмайди? Маънавий ва маданий меросимиз хазиналарини кўз қорачиғимиздек асраш, уларни мақбул жойларда сақлаш вақти келмадимикан?

Энди китоб тақсимоти муаммосига тўхталсак. Китоб савдоси базасида кутубхоналарга янги чиққан китобларни ўз вақтида бермаслик, баъзан берилса-да, бу китоблар кутубхонани қониқтирмаслиги ҳолатлари кўзга ташланади. Натижада тақсимот бузилади. Бирорта уддабурронроқ кутубхона мудири кўпроқ китоб олиб кетса, иккинчи бир кутубхоначига бериладиган китоблар сон ва сифат жиҳатдан талабга жавоб бермайди. Ҳатто айрим кутубхоналарга умуман етмай қолиши мумкин. Китоб савдоси идораларида ушбу нуқсонларни бартараф этиш учун мутасадди кишилар томонидан назорат гуруҳи тузилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Нима бўлганда ҳам ҳозирги вазиятда маънавият таназзулга юз тутмаслиги керак. Зеро, бизнинг бугунимиз ва эртамиз ҳам ана шу улкан дарёдан сув ичади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Хўжайлининг Эски шаҳар қисмида 18 — 20 минг атрофида аҳоли яшаса-да, бу ерда на бирор клуб ва на бирор маданият уйи бор. Одамларда кутубхона хизматидан фойдаланиш имконияти чекланган. Сир эмаски, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида маданий-маиший хизмат тармоқлари турли қийинчиликларга дуч келмоқда. Бу борада аҳолига пулик маданий хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш чоралари топилмаяпти. Туман ва шаҳар кутубхоналарининг бўлимлари барча газет-журналларга тўла обуна қилинмаган. Бунга мутасадди ташкилотлар маблағ етишмаслигини рўкач қилишади. Ҳозирги пайтда газета-журналларга обуна бўлишга барчанинг ҳам қурби етавермайди. Бундай шароитда кўпчилик кутубхоналарда вақтли матбуот нашрларидан баҳраманд бўлишга интилади. Бироқ кутубхоналар ўз муштарийлари учун бундай хизмат кўрсатиш имкониятига эга эмас.

Кутубхоналар шу кун талабига жавоб бермайди.

Уларда яхши ишлаш ва яхши хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган. Одамларнинг ҳиссиётуйғу ва фикр-тафаккурига таъсир қилиш воситаси бўлган кутубхоналар ишини тубдан яхшилашни ҳаёт тақозо этмоқда.

Мутасадди ташкилотлар нафақат Хўжайлида, балки бутун Қорақалпоғистон Республикасида кутубхоналар ишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрадилар, деб умид қиламиз.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мутасадди ташкилотларнинг кутубхоналарга, давримиз кишисининг китобларга муносабатини белгилаш мақсадида эътиборимизни шу мавзуга қаратдик. Ўйлаймизки, мунозарага знёлилар, турли касб эгалари, шу соҳанинг масъул кишилари, тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислар, кутубхоначилар ва китобхонлар ҳам қўшиладилар. Билдирилган фикрлар маънавиятимиз тараққиёти ва кутубхоналар тизимидаги муаммоларни ҳал этишда амалий фойдали натижа беради, деб умид қиламиз

Материалларни «Ўзбекистон овози» мухбирлари Салим АШУР, Алишер ИБОДИНОВ, Даврон БАҲРОНОВ, Илҳом КАРОМОВ, Рейимбой ЕШИМБЕТОВ тайёрлашди.

ИШ ИТНИНГ

Уни кўплар танийди. Ўзи шифокор. Қайси даврада бўлмасин от, полвон ва чавандозлар ҳақида гапиришни хуш кўради. Шундай гурунгларнинг бирида отга қандай меҳри тушганлигини сўрадим.

— Менимча, ота-боболаримдан юққан бўлса керак. Негаки, Тўхта бобомни элдошларим чавандоз сифатида яхши билишарди. Худо раҳмат қилгур 35 ёшида отдан йиқилиб кўз юмганлар. Отам Усмон бобо ҳам отга меҳр қўйганлардан. Туркман элига ҳам бориб кўпкари чопган.

Болалигимда отамнинг Катта кўк, Кичик кўк, Бурноч лақабли улоқчи отлари бўларди. Ўзингиз биласиз, Деҳқонобод тоғли туманлардан. Қорбўронли кунларда шу отлар ҳеч қандай бошқарувсиз отамни уйга олиб келишини эсласам, унга меҳрим ошаверарди.

Самарқанд тиббиёт институтини битиргач, от боқишга киришдим. Ҳозир учта улоқчи отим, учта тойим бор. Тўриқ, Оқ тулпор, Кўк чуммоқ отларим эл-улус орасида тез тилга тушди.

— **Отга лақаб қўйишда кўпроқ нималарга эътибор берилади?**

— Аввало рангига. Кучи, тез югуришига боғлаб ҳам қўйиш мумкин. Масалан, Саман, Тўриқ, Жийрон, Кўк ёки «Жигули», «Танка»...

Тўриқ отим жуда улоқчи эди. Олти ёшидан кўпкарига қўшган эдим. Туманимиздаги Бешкўтон қишлоғидан тўйга айтиб кетишди. Кўпкариси зўр бўлишини билардик. Тўй куни кўпкарига Кўк чуммоқ билан Тўриқни олиб чиққан эдим. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Тўриқни отхонадан зўрға чиқаргандим-а. У оёқ тираб олганидан жаҳлланганимни айтмайсизми. Назаримда уриб, қамчилаб тўдага солдирдим, жониворни.

Касалхона хирургиясида тиббиёт ходимлари билан ишлаётган эдим. Акам (акаларимдан Йўлдош, Абдурахмон, укам Холиёр ҳам улоқ чопади) кўпкарида Тўриқнинг йиқилиб ўлганлигини айтиб, нохуш хабар олиб келди. Уйга борсам болаларим ҳам, аёлим ҳам йиғлаб ўтирибди. Жуда алам қилди. Тойлигидан ўзим тарбиялагандим-а, деб ачиндим. Начора?..

Шунда бешкўтонликлардан юзлаб Тўриқни билган, эшитган кишилар уйимизни топиб келиб, ҳамдардлик билдирганди. Бир жониворнинг ҳурмати шу-да. Ҳозир ҳам уни эсласам эзилиб кетаман.

Дўстмамат (Дўст, дейди уни кўпчилик) чавандоз ҳам унга жуда боғланиб қолганди-я.

— **Эшитишимча зотдор отларни излаб кўплаб шаҳарларга ҳам борган экансиз...**

— Айтишларича, ер юзида 78 миллионга яқин от бор. Мен уларнинг 32 турини биламан. Зотдорларини излаб кўп республикаларда бўлдим. Қаерда яхши отларни кўрсам чарчоғим ёзилгандай бўлади. Бу жониворларсиз яшай олмасам керак, деб ўйлайман. Лекин, кейинги вақтда зотдор отлар сони камайгандай.

— **Ривоят қилишларича, кишининг отга меҳри қандай бўлса, отларники ҳам ундан қолишмас экан...**

— Албатта. От жуда сезгир ҳайвон. Оилада бирор нохушлик юз берса, у ҳам баб-баравар ғам чекади. Қўшни қишлоқда Мирза бобо (жойи жаннатда бўлсин) деган отчи бўларди. У тириклигида: «Агар ўлсам, отим уч кун ҳам яшамайди» дегич эди. Мирза бобо 82 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Буни қарангки, у башорат қилгандай малла оти уч кундан кейин ўлиб қолди. Ҳа, киши билан от ўртасида яқинлик бордай туюлади. Отларни кечаси ухламайди, дейишади. Айтишларича, у эгасини қўриқлаб ётармиш.

Отлар ҳақида кўп ривоятлар эшитганмиз, кинофильмлар кўрганмиз. Уларда отнинг инсонга бўлган меҳри акс этади. Шунингдек, кишининг отга меҳри улуғланади. Гуруғлига отаси кўк той олиб берар экан. Уни қирчилтонлар ўғирлашади. Гуруғли тойни қидириб тоққа чиқса, бир тўда чолларга рўпара келади. Уларни бўлган воқеадан воқиф этиб, ёрдам беришларини сўрайди. Чоллар эса: «Тойни нима қиласан, пешонангни (фарзанд) ёки давлатни сўрасанг бўлмайдими?» дейишади. Шунда Гуруғли ўз сўзида қатъий туради. У ўзининг Ғиркўки билан дунёга танилиб мурод мақсадига етади.

От — дўстлик рамзи ҳамдир.

Қатор йиллар турли сабабларга кўра отларга қирғин келди. Яхши бедовларни гўштга топшириб юбордик. Зотдор қорабайрларни кўпайтириш керак. Бунга имкониятлар бор.

Ҳозир ҳам қаерда кўпкари бўлса, уша ерда зотдор тулпорлар сақланиб қолган. Масалан, Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидаги бедовлардан наслдор тойлар олиш мумкин. Ҳафсала, эътибор бўлса бас...

Мамарасул ака билан гурунгимиз давом этаётганда тўнғич ўғли Темурбек ҳам қўшилди.

— Ака, отлар жуда сезгир ва ақлли бўлади. Болалардай эркалашни хуш кўради. Устига қандай киши минганлиги, унинг нимага қолдирлигигача пайқайди. Ҳар қандай кучли, бежағим от ҳам эгарга чавандоз чиққанлигини сезади, қўйдай юввош бўлади.

Яна, Мамарасул акани гапга тутиб, чавандозлардан ҳам гапиринг дўхтир бобо, дейман.

— Тўғриси, отларим орқали юзлаб чавандозлар билан дўстлашдим. Улар билан бордикелди қиламан. Тожикистондан Дониёр, туркистонлик Холмамат, Мурод, Тойир, Зойир, Жиззахдан Холбой, Бойбек, сурхондарёлик Чори, Файзи, Шопаот, Нурулло, Туро. Ўзимизнинг Қашқадарёдан Жамолхон, Нормўмин, Файзулло, Олим, Шоди шулар жумласидан. Ҳаммаси ҳам зўр полвонлар. Ўз услубига эга. Айниқса, чироқчилик Жамолхонни бутун Ўрта Осиёнинг зўр улоқчиси, десам бўлади

— **Эшитишимча Америкага тулпорларингизни олиб бориш ниятингиз бор экан...**

— АҚШнинг кўпчилик ҳудудида отлар жуда эъзозланади. Жамоат жойларида бедовни асоссиз қамчилаган киши жазоланади ҳам. Ўзбекистон отлари ва чавандозлари нималарга қодирлигини шу юртда бир кўрсатсам, дегандим. Яна бир томони, у ерда рекламага эътибор катта. Албатта, буни бизда ҳам қилса бўлади. Лекин етарли даражада отларимиз қадрига етолмаяпмиз. Баҳосини кўрсатолмаймиз. Шунинг учун бизда ҳам қуруқ савлат тўкиб турган отчопарларда турли хил мусобақалар, тадбирлар ўтказилса, дейман. Шунда отга ҳам, чавандозларга ҳам эътибор ошарди.

Америкалик кўпгина от шайдолари билан учраштим, гаплашдим. Улар биздаги отларга, чавандозларга қизиқиш-ла қарайдилар. Ҳавас қиладилар. Отчопарларнинг ҳувиллаб ётганлигидан эса куйинадилар. Яхшиям, ҳар бир туманда ўнлаб от ишқибозлари бор. Тўйларда ўз отимизнинг кучини кўрамиз, суюнамиз. Шахсий машинам йўғу, лекин отларим бор. Улар оиламизга ризқ олиб келяпти, буни яширмайман.

Гап отлар, чавандозларга боғланиб Мамарасул аканинг оиласига, шифокорлик касбига тўхталишни унутаёзибмиз..

Дўхтир бобонинг турмуш ўртоғи Ўғил опа фермер. Тадбиркорликнинг янги шаклига ўтиб, гўшт, сут ҳамда уч гектар ерда турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб бермоқда. Фарзандлари Темурбек, Улуғбек, Отабек, Наргиза, Ферузалар бўш вақт бўлди, дегунча отларга, чорва молларига қарайдилар. Деҳқончилик қилишга кўмаклашади.

Деҳқонобод тумани марказий касалхонаси бош шифокори Мамарасул Усмонов тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирар экан, шундай дейди:

— Яқинда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 240 ўринли шифохонага кўчиб ўтдик. 800 нафарга яқин тиббиёт ходимларимиз эл хизматида.

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича кўп ишлар қилиняпти. Айниқса, экстрогенитал, оналар ва болаларни соғломлаштириш, жонлантириш бўлимлари талаб даражасида. Тўғриси, Мамарасул акага ҳавасим келади. У номдор бедовлари билан ҳам, шифокорлиги билан ҳам халқ орасига сингиб кетибди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Гулистон туманидаги «Октябрь» жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаси Тоштемир Асроров ва унинг ака-укалари томонидан хусусийлаштириб олингач, бу ерда ишлар юришиб кетди. Эндиликда ферма «Омад» ҳиссадорлик жамияти, деб юритилмоқда. Айни пайтда бу ерда 40 киши меҳнат қилаётир. Шуниси қувончлики, ана шу қирқ киши 486 бош қорамолни меҳр билан парваришлаётир. Жамоа аъзолари ўтган йилнинг ўзида 187 тонна сут, 11 тонна гўшт етиштиришди.

Ҳиссадорлар бу йил ҳам астойдил меҳнат қилишаётир. 250 бош соғин сигирнинг ҳар биридан кунига 9—10 килограммдан серқаймоқ маҳсулот олинаётир. Бир кеча-кундузда жами 1 тоннадан ошириб сут соғилаётир. Худойберди Аширматов, ака-укалар Абдуҳолиқ, Акрам, Ином, Улуғбек ва бошқалар чорва маҳсулдорлигини ошириш учун ҳаракат қилишаётир.

СУРАТДА: ҳиссадорлик жамияти раҳбари Тоштемир Асроров ва «Октябрь» жамоа хўжалиги раиси Алибой Бобоқулов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Ғалабанинг 50 йиллигига

ҲАМОН МАҒРУР БОҚАРКАН ЎҒЛОН

Мен хизмат қилган қисм жойлашган баланд тепаликда қулига автомат тутган, елкасига ёмғирпўш ташлаган, бошига каска, оёғига кирза этик кийган жангчи ҳайкали Кушка шаҳрига мағрур боқиб турарди.

Бу ҳайкал юксак санъат асари бўлмаса-да, лекин жангчининг қиёфасига диққат билан эътибор берган киши қалбан ифтихор сезиши табиий. Биз унга Алёша деб от қўйгандик. Биздан аввал хизмат қилганлар ҳам уни шундай аташган. Бундай ўғлон қиёфасини кўплаб ҳарбий қисмларда, уруш бўлган шаҳар ва қишлоқларда ҳам учратиш мумкин. Лекин виқор билан боқувчи бу аскар ҳарбийлик, мардлик тимсоли сифатида нигоҳимизни тортаверарди.

Ҳайкалнинг нега айнан Алёша деб аталиши ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман. Кейинчалик бу савол мени кўп ўйлантирди. «Солдат ҳақида баллада» фильмини кўрганимдан кейин саволимга жавоб топгандек бўлдим. Фильм аввал яратилганми ёки ёдгорлик ҳайкалими, уни билмадиму, лекин иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларида ҳалок бўлган ёки ном-нишонсиз кетган жангчилар оддийгина Алёша, деб аталар экан. Фильмнинг бош қаҳрамонини эслайсизми? Унинг номи Алёша Скворцов эди. Ҳа, Алёшалар қисматида муштараклик борлиги тақдири азал бўлса, ажабмас.

Содда, ҳалол, довюрак бу жангчи ҳайкалига ҳар гал тикилганимда қуша-қуша бўлиб фронтга кетиб, ортга қайтмаган, Москвадан Берлингача чўзилган кўп йиллик уруш сўқмоқларида, ўзга юртларда Ғалаба дея мангуга бош қўйган неча юзлаб, ўқчиликларни кўргандай бўламан. Зеро, ҳар бир халқнинг ғурури ва ифтихори бўлган ўз Алёшалари ҳам бор. Улар бошқа номлар билан аталса-да, она-Ватан қалқони деган тушунча байналмилаллик туйғусига йўғрилгандир.

Фашизмга қарши даҳшатли курашда шу туйғу миллионлаб эр йигитлар бошини қовуштирди. Бирлашган ўзар, деганларидек Ғалаба байроғи ҳилпираб, унутилмас уруш тарихи битилди. Юртбошимизнинг Ғалабанинг 50 йиллигига эътибор қилаётгани, фронтда ва фронт ортида халқимиз кўрсатган мислсиз жасоратга алоҳида аҳамият берилаётгани ҳам шундан.

Алёша ҳамон йигирма ёшли навқирон жангчи. У Ғалаба миллионларнинг ҳаёти эвазига келганлигини, тирикликнинг, бунёдкорлик ва истиқлолнинг қадрига етиш кераклигини ёдга солиб турибди...

Қодиржон ҚАЮМОВ.
Андижон.

Меҳр-шафқат

БУНДАЙ ДАСТА ДУНЁДА ЙЎҚ

Ҳар қандай майиб-мажруҳ, ногирон инсонда ҳам қалб бор, покиза дил, вужуд, ҳаёт сарчашмаси — юрак бор! Жисми-ю қонида эзгуликнинг орзу-истаклари, армонлари жўш уради. Улар ҳам барча инсонга хос ва мос келадиган қадр-қимматга, меҳрга, эъзозга ташна.

Фарғона туманидаги 55-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси, ажойиб қалб соҳиби Турсунбой Мадалиев ўз кўнглидан юқоридаги ҳиссиётларни ўтказар экан, ортиқча сабр-тоқат қилолмади. Ўзига хос ташаббус билан чиқди.

Водиллик бу йигит табиатан мусиқа шайдоси. Ёшлигидан етим бўлиб ўсгани учунми одамларга меҳрибон ва мулойим муносабатда бўлади. Байрамларда, тўй-томошаларда қўшиқларни маромига етказиб айтади. Мусиқа мактабини тугаллагандан буён қўлидан рубоб, тор тушмайди.

— Тўқсонинчи йиллар эди, — дея хотирлайди у. — Нуротага тўйга борувдим. Ишонсангиз ўшанда бир ногирон бола қўшиқ айтиб, ҳаммани йиғлатди. Ғоят таъсирландим. Шу кундан бошлаб ҳаловатим йўқолди. Туманимизда ҳам шунга ўхшаш майиб-мажруҳ, ногирон болалар бор: бири қўшиқ айтса, бири доира ёки тор чалади, бири рақсга тушади... Шуларни тўплаб, бир даста тузилса савоб бўлишини ўйладим ҳамда шунга қатъий киришдим.

Турсунбой ўйлаганчалик бу иш осон кўчмади. Истеъдодли ногирон ёшларнинг бири Аввал қишоғида яшаса, бири Хонқизда, яна бири Чимёнда. Барчасини бир ерга тўплаб, иқтидорларини синаб кўриш, ҳамфикр ва ҳамкор бўлиш бўйича қатъий режалаштирилган услубда фаолият кўрсатишнинг уддасидан чиқиб бўлмасди.

Шундай пайтда у ёлғиз эди. Мактаблар билан алоқа боғлаб, санъатга ихлосманд болаларни саралаб кичик бир даста жамаосини тузди. Унга «Ниҳол» деб ном берди.

Болалар 27 нафарга етди. Асосан ўқувчилардан иборат бу даста аъзоларининг ҳар бир чиқиши ўзига хос бетакрор. Ана, 55-мактабнинг ногирон ўқувчиси Шерзод Маҳкамов... Бир тасаввур қилинг-да, у саҳна ортида оёғидаги протезларни ечиб, кейин саҳнага чиқади. Буни кузатиб туриш учун қанча ирода, чидам керак. Турсунбой эса бунга чидайди...

Шерзод «Андижон полкаси»га шундай мароқли ўйнайдики, асти қўяверинг. Овози ҳам жарангдор. Ўнг оёғи ва қўли яхши ишламайдиган 5-мактабнинг ўқувчиси Жаҳонгир Турсунов айтадиган «Дарвозабон» қўшиғи ҳам кўпчиликка маъқул. Жавлон Улуғов, Авазбек Тўраев, Наргиза Турдиматова, Нилуфар Толипова, Муқаддас Мўминова, Мастура Қамчиева... Ҳар бири ўзгача олам. Санъатга ошуфта бу мурғак қалб эгаларининг ўй-ташвишларида, юракларида яшириниб ётган ажойиб ҳис-ҳаяжон юзага чиқяпти. У эзгу-гўзалликнинг, нафосат оламининг ғунчалари, гулдастаси.

— Мени бир нарса ўйлантиряпти, — дейди Турсунбой. — Бизга ёрдам берадиган, меҳр-мурувват кўрсатадиган инсонни ёки бирор жамоани ҳозирча тополмаяпмиз. Худога шукрки, ўзимизнинг озгина даромадимиз бор. Ёзда «Ёрдон» оромгоҳида икки ой даста иштирокчилари билан машқ қилдик, дам олдик. Боғчаларда кенг дастурлар асосида концерт қўйиб бердик. Бизнинг дастуримизни томоша қилган Андижон мебель фабрикаси жамоаси 10 минг сўм берди.

Ҳозирги пайтда «Ниҳол» анча танилиб қолди. Турсунбой Мадалиев эса ҳаракатда, интилишда.. Даста иштирокчиларига ўз уйидаги мусиқа асбобларини чалдириб, ўргатиб машқ қилдиряпти. Тўғри, даста фаолиятига катта эътибор бераётганлар ҳам бор. Жумладан, вилоят ойнаи жаҳони орқали «Ниҳол» дастасининг чиқишлари намойиш этилди. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Қўшиғим, жон қўшиғим» кўрсатуви бошловчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шермат Ёрматов ҳам «Ниҳол» дастаси фаолияти билан қизиқиб қолди. Келгусида алоҳида кўрсатув тайёрлашга ҳозирлик кўрилмоқда.

Азизлар, Ўзбекистон ва балки, жаҳонда ногирон болалардан иборат даста бўлмаса керак. «Ниҳол» ягона, ўзига хос. Келажакда унга озгина ғамхўрлик қилинса дунё бўйлаб қанот ёзиши, овоза бўлиши муқаррар.

Собир ДАДАХЎЖАЕВ.

ҚАҲРАМОН ШОИРАГА ЭҲТИРОМ

Беруний номидаги мактабгача тарбия педагогика билим юртида Самарқанд вилоят партия кенгаши ҳамда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан Зулфия таваллудининг 80 йиллигига бағишланган анжуман ўтказилди.

Илмий-бадиий тадбирда вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Б. Бўронов партия ташкилотларининг кадриятларни тиклаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида гапирди. Самарқанд давлат дорилфунуни профессорлари И. Мирзаев, Ҳ. Умиров, С. Каримов, Б. Йўлдошев Зулфия ижодининг муайян қирралари ва унинг Самарқанд адабий муҳити билан боғлиқ томонлари хусусида маърузалар қилдилар. Билим юрти талабалари Зулфия шеърлари асосида адабий бадиий композиция ижро қилдилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хушрўйлик сирлари

СОЧ ЭМАС БУ, ШАРШАРА-ЕЙ ШАРШАРА...

Лимон шарбатида антисептик (зарарли микробларга қирон келтирадиган) хусусият бўлганлиги туфайли, уни соч илдизига (учларига текизмай) суртиладиган бўлса, айрим соч касалликларини келиб чиқишидан сақлайди. Одатда лимон шарбати суртма сифатида фойдаланилганидан 20 минут ўтгач, соч чайилиши тавсия этилади. Лимон шарбати сочнинг илдизини мустаҳкамлаб, уни бемаврид тўкилишидан сақлайди.

* * *

Аччиқ қилиб дамланган чой ва пиёз пусти дамламаси ҳам табиий соч бўёқларига киради. Қуюқ қилиб дамланган чой ҳар куни суртилаверганидан сочнинг ранги қўнгилдагидек жилоли бўлади.

* * *

Қизил пиёз пусти қайнатмасидан ҳам шу мақсадда фойдаланиш мумкин. Ингичка ва қуруқ сариқ сочли кишига мазкур қайнатма қўл келади. Сочнинг рангини бироз ўзгартириши сабабли уни ҳар куни ишлатишга тўғри келади.

* * *

Соч хом ёнғоқ пўстидан тайёрланадиган дамлама билан бўялса, у жозибали қўнғир ранга киради. Хом, ғўра ёнғоқ бўёвчи хусусиятини тез йўқотгани учун уни узиб олган заҳоти ишлатиш керак.

Зулайҳо СОБИТОВА тайёрлади.

Сочларим толим-толим...

Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат-лавҳа.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ҚИЗИНИ ЁҚҚАН ОНА

ТОШКЕНТ. Акмал Икромов тумани «Чилонзор» даҳаси 15-мавзеда яшовчи Раила Кабирова оилавий жанжал туфайли ўз қизининг устига керосин қуйиб, ёқиб юборди. Натижада қизи танаси куйган ҳолда касалхонага ётқизилди. Тергов олиб бориляпти.

БОЛТА УШЛАГАН ҚОТИЛ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Нукус шаҳар хонадонларидан бирида ваҳшиёна ўлдирилган уч аёлнинг жасади топилди. Гумондор тариқасида 1966 йилда туғилган А. Б. ушланди. Суриштирув натижасида шу нарса маълум бўлдики, А. Б. талончилик йўли билан аёллардан пул талаб қилган. Ололмагач, уларни болта билан чопиб ўлдирган. Тергов ишлари олиб бориляпти.

УЗОҚҚА БОРОЛМАДИ

САМАРҚАНД. Каттақўрғон шаҳрида яшовчи Келдиёр Ҳамдамов муқаддам судланган. У яна қора курсида ўтирадиган бўлди. Сабаби никоҳдан ажралган хотинининг кўкрагига пичоқ урган. С. Ҳамдамова касалхонага ётқизилди. Собиқ қайнонанинг эса қўрқиб кетганидан шу ернинг ўзида жони узилди. К. Ҳамдамов қочмоқчи бўлди. Аммо, у узоққа бора олмади. Ўша куниёқ ушланди.

ИЧКИЛИК ҲАР КУЙГА СОЛАДУР

ТОШКЕНТ. Ичкилик одамни ҳар куйга соладиган балодур. Н. Юнусов ҳам спиртли ичимлик ичиб «Хадра» меҳмонхонасида маст ҳолатда Н. Ҳамроқуловни пичоқлади. Шайхонтоҳур тумани прокуратураси қотил устидан тергов бошлади.

Энди Н. Юнусов қонун олдида жавоб беради.

Султонмаҳмуд ЮСУПХОНОВ,
республика прокуратураси ходими.

ШОДОН ТАБАССУМ ВА ХУШ КАЙФИЯТ

тақдим этувчи

"стомасервис"

хусусий стоматология поликлиникасида

ҳафтанинг 7 кунида — кечаю-кундуз, дам олишсиз

ТЕРАПИЯ, ЖАРРОҲЛИК, ОРТОПЕДИЯ

соҳалари бўйича мутахассислар Сизга тиббий хизмат кўрсатишга ҳозиру нозир.

Рентген хонаси, лазер терапияси, физиотерапия, металлокерамика, шунингдек, парадонт сингари барча касалликларни даволаш бўйича мижозларга хизмат кўрсатилади.

***СТОМАТОЛОГИЯ* соҳасида жаҳоннинг етакчи фирмалари техникаси ва дори-дармонларидан фойдаланиб, замонавий технологияни қўллаш даволашни оғриқсиз ўтказади.**

Майин мусиқа, қаҳва ёки бир пиёла чой мажбурий муолажаларга ҳузур бахш этади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 428-уй. (Мўлжал: Тошкент трактор заводи)

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 64-39-16, 69-89-65.

"СТОМАСЕРВИС" — ЮҚОРИ СИФАТ ВА УЗОҚ МУДДАТГА КАФОЛАТ БЕРАДИ

ЯНГИЙЎЛ КОНСЕРВА ЗАВОДИ

Серқуёш республикамизда етиштирилган мева, полиз ва сабзавот маҳсулотларидан тайёрланган консерваларни (шиша ва тунука идишларда) чекланмаган миқдорда сотади.

СИЗ ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН КОНСЕРВАЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

— шафтоли, олхўри, олма, узум, тарвуз ва сабзи табиий шарбатлари;
— аччиқ томат соуси, томат пастаси, олма - узум аралашмаси ва қовоқдан тайёрланган шифобахш ичимликлар;
— бақлажон икраси, сабзавот икраси;
— бодринг ва помидор маринадлари;
— тузланган аччиқ карам.

Шунингдек, кўп миқдорда кичик идишларга қуйилган — 55 фоиз концентратли олма шарбатидан иборат консервалар ва бошқалар мавжуд.

Маҳсулотларнинг бозор нархларидан бирмунча арзон сотилиши сиз учун яна бир қулайлик яратади.

Ҳақи пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Маҳсулотларга мол айирбошлаш имкониятидан фойдаланишингиз мумкин.

Маҳсулотлар йирик улгуржи ва чакана савдо йўли билан етказиб берилади.

Янгийўл консерва ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларини қанча тез сотиб олсангиз — шунча яхши. Зеро, у ҳамма учун доимо зарур ва жуда фойдали хусусиятларга эгадир.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗНИНГ ШИФОБАХШ ВА ТЎЙИМЛИЛИГИНИ УНУТМАНГ!

Завод МДҲ республикаларига ҳам юқоридаги тартибда ёки мол айирбошлаш йўли билан чекланмаган миқдорда ўз маҳсулотларини сотади.

Манзилимиз: 702802, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-ўй.
Телефонлар: (код—260), (37-160), 74-740, 74-744, 74-780, 74-781.
ФАКС — 7-57-50, 7-47-80.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

ЦЮЙНИНГ ҚОҒОЗ МЎЪЖИЗАСИ

УМУМАН инсоннинг қўли гул дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай, одамзоднинг қўлидан нималар келмайди ўзи?! Ҳатто қоғозлардан ҳам турли буюмлар ясашадики, кўриб ёқангни ушлайсан киши. Мана масалан, хитойлик таниқли рассом Цюй Линцзюн ясаган «Аждаҳо қайиқ»ни олиб кўрайлик. Худди табиий дейсиз. Бинобарин, у 30 мингдан ортиқ қоғоз бўлакларидан таркиб топиб, 1991 йилда ясалган. Баландлиги 90, узунлиги эса 183 сантиметрни ташкил этади. Оғирлиги 8,2 килограмм. Рассом бу «асари»га 18 ой вақт сарфлаган. Бундан ташқари, у 13 минг деталдан иборат «осмонўпар сарой» ҳам ясаган. У ҳам нуқул қоғоздан қурилган, лекин худди ҳақиқийдек катта ва чиройли.

ШИМОЛИЙ ҚУТБГА — ПИЁДА

«КИМКИ қийналмай, машаққат чекмас экан, у ҳаётдан лаззат ололмайди» деган гап фақат бизда айтилмаган. Бу ҳикматни римликлар ҳам тасдиқлашади. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас, балки машаққатда ўз бардошини синаб кўрган инсон тўғрисида.

Рейнхолд Месснер шу пайтгача ўз кучини баланд тоғ чўққиларига чиқишда синаб кўрган, кўпгина машҳур чўққиларни забт этган ва танилган альпинист. Энди эса у дўхтир укаси Губерт билан Шимолий Қутбга пиёда, бирорта ташқи кўмаксиз ўз кучлари билан боришмоқчи.

Одатда, шу пайтгача у ерга итлар тортган чана ёки самолёт ёрдамида борилган.

Ака-ука яқин кунларда йўлга отланишмоқчи. Уларни Шмидт оролигача транспортда олиб бориб қўйишади. У ёғига эса ўзлари «ҳаётҳуйт» деб яёв кетишлари ва 2 минг километрлик йўлни босиб ўтишлари даркор. Озиқ-овқатдан ташқари ўзлари билан бирга электрон датчик олволишади. Бу асбоб улар қаерда кетаётганлигини кузатувчиларга билдириб туради. Саёҳат 3 ойга мўлжалланган. Улар борадиган манзил Колумбия бурни.

Дарвоқе, ҳар эҳтимолга қарши улар иккита «Винчестер» билан ҳам қуролланишган. Негаки, қутбда оқ айиқлар учрамайди, деб бўладими...

ДЕНГИЗДА ҲАМ ИНСОН ДЎСТИ БОР

АТЛАНТИКА уммонида кучли пўртана бошланган пайтда Болгариянинг қуруқ юк ташувчи «Плевен» кемаси Муқаддас Елена оролидан 300 мил нарида эди.

Денгизчи Иван Едрев палубага чиқиб, пўртанани кузатмоқчи бўлганди, кеманинг қаттиқ чайқалишидан денгизчи очиқ уммонга қулади. Шу пайт олтита дельфин уни ўраб олди. Биттаси денгизчининг остига кириб, белига миндириб олди, қолганлари унинг атрофида айланаверди. Бир пайт дельфинлар ўз «тили»да чийиллашиб қолишди. Денгизчи қараса сал нарида иккита наҳанг келаётган экан.

Дельфинлар улар билан «жанг» қила кетди ва қочиришди ҳам. Сўнг кемадан ташланган ёрдамчи арқонга денгизчини олиб боришди ва Иван кемага чиққунига қадар улар кузатиб туришди, дея ҳайрат билан ёзишибд:: немис журналистлари «Гамбургер абендблат» газетасида.

АНТИҚА МУСОБАҚА

ИСРОИЛДА музқаймоқни тез ейиш бўйича беллашув ўтказилиб турилади. Сўнгги бор ўтказилган мусобақада Ярон исмли «очофат» атиги 90 сонияда 1,5 килограмм музқаймоқни «тинчитиб», мусобақада биринчиликни эгаллаган.

Мирзо Улуғбек тумани Пушкин — Салар кўчасидаги («Дархон» чойхонаси атрофи) беш қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган 2 хонали квартира (умумий майдони 120 кв.м.) ижарага берилади ёки сотилади.

Мурожаат учун телефонлар: 33-44-73, 67-52-62.

Тошкент қишлоқ хўжалик коллежи маъмурияти ва ўқитувчилар жамоаси «Усимликлар муҳофазаси» бўлимининг мудири Т. Шониёзовга рафиқаси

Маъмура ШОНИЁЗОВА нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг инкассация бирлашмаси жамоаси директор муовини — Тошкент шаҳар инкассация бўлими бошлиги Ҳамдам Носирович Носировга волидаи муҳтарамаси

Лутфинисо МУСАЕВА нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош-муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Ургончда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Қаршида -- 3-25-79; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда -- 6-43-43; Тошкентда -- 32-26-70; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0144, 45220 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир С. АШУР, навбатчи Р. ШОДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.* *1 2 3 4 5 6.*